

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019 FIl.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ АБДИОЛИМ**

**ҚАШҚАДАРЁ-СУРХОНДАРЁ ДОСТОНЧИЛИГИНИНГ  
УМУМЎЗБЕК ЭПОСИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

**10.01.08 – фольклоршунослик**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc)  
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Dictor of Science (DSc)  
on Philological Science**

**Эргашев Абдиолим**

Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигининг умумўзбек эпоси тараққиётидаги ўрни .....3

**Эргашев Абдиолим**

Роль Кашкадарьинско-Сурхандаринских дастанов в развитии общеузбекского эпоса .....40

**Эргашев Абдиолим**

The Place of Kashkadarya-Surkhandarya epossingership in the progress of wide uzbek epos .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019 FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ Абдиолим**

**ҚАШҚАДАРЁ-СУРХОНДАРЁ ДОСТОНЧИЛИГИНИНГ  
УМУМЎЗБЕК ЭПОСИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

**10.01.08 – фольклоршунослик**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fil272 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме) илмий кенгаш веб саҳифасининг [www.toshgiv.uz](http://www.toshgiv.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот таълим портал [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Жўраев Маматқул,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманазаров Умрзоқ,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Эшонқулов Жаппор Салиевич,** филология  
фанлари доктори, профессор

**Ёрматов Исомиддин Турғунович,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019. FIL.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрсабз тор кўчаси 5-уй. Тел. (+99871)233 36 50 Факс. (+99871)233 71 44. e-mail: [uztaf@academy.uz](mailto:uztaf@academy.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубонасида танишиш мумкин. (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) Манзил:100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел: (+99871)262 74 58.

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли регистр баённомаси)

**Б. Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

**А. Худойқулова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, филол. фан. номзоди

**Ш. Турдимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, филол. фан доктори, профессор

## **КИРИШ**

**(докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон фольклоршунослигида эпик анъаналар генезиси ва узвий ривожланиши ҳамда эпик ижрочилик ва ижодкорларнинг миллий бадий тафаккур тараққиётидаги ўрнига алоҳида диққат қилинаётганлиги сабабли дунё халқлари орасида турли номлар билан айтилиб келинаётган эпик куйчининг ўзига хос санъати, табиати, устоз-шогирд анъаналарининг юзага келиши ва тараққиёти, эпик репертуарнинг ўзгариб, бойиб бориш омиллари, ижро санъати техникаси, бадий маҳорати ҳамда бадий эстетик қарашлари тарихий генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ эканлигини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Натижада эпик куйчи, эпик ижрочилик анъаналари, эпик репертуарнинг шаклланиши ва ривожланишини эпик мактаблар ҳамда уларга хос хусусиятлари дostonлар генезиси, турлари, таснифи, бадиияти, эпик сюжет, образлар ва мотивлар типологияси каби миллий эпосшуносликнинг илмий-назарий масалаларига аталган кўплаб тадқиқотлар юзага келишида амалий манба вазифасини ўтайди.

Дунё фольклоршунослигида дoston ва дostonчилик санъатининг пайдо бўлиши, ривожланиши, эпик анъананинг сақланиши, устоз-шогирдлик анъанасининг давом этишига алоқадорлигини ўрганиш асосида туркий халқлар қаҳрамонлик дostonларининг форма шакли ва поэтик структурасини тадқиқ этиш каби хусусиятларини ойдинлаштиришга замин яратади.

Бугунги кунда миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлаётган, учинчи реннесансга қадам қўйган Янги Ўзбекистонда Қашқадарё-Сурхондарё воҳалари дostonчилигининг ўрганилиши, дostonчилик мактаблари, анъанавий дostonчиликнинг ғоявий йўналишлари, тарихий ривож, ҳозирги аҳволи ва бахшилар репертуарини таҳлил қилишга катта имкониятлар яратилмоқда. “Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, ажойиб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакиллариининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, республикамизнинг катта бир қисмини эгаллаган Қашқадарё – Сурхондарё вилоятларида дostonчилик мактаблари, уларнинг халқ маънавий, рухий, ахлоқий дунёқарашига таъсири, бахшилар репертуари ва ижодидаги ўзига хосликлар ва умумийликлар, бу санъатнинг давомийлигида устоз-шогирдчилик ва оилавий шажара анъаналарининг ўрни, воҳа дostonларини туркумлашда ва таснифлашда умумўзбек эпосига ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлар, бахшиларнинг бадий маҳорати ҳамда умумўзбек маданиятига қўшган ҳиссаси илк бор монографик тарзда ёритилгани билан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи”. – Термиз шаҳри, 2019 йил, 5 апрель.

академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 25 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчиликни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 6 апрелдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивали”нинг очилиши тантаналарида сўзлаган нутқида ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий, илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>2</sup> Дostonларнинг яратилиш тарихи, тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари, дostonчиликнинг ривожланиш ва сўниш жараёни, бадиий хусусиятлари ва тематикаси, ҳозирги жонли жарарёнда яшаш тарзини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Қозоғистон Евро Осиё миллий университети, Озарбайжон Отатурк маркази, Mongolian academy of Sciences, Татаристон Фанлар академияси, Сази Университеси Ўғретим, Садриддин Айний номли Тожикистон педагогика университети, Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Жаҳон адабиёти институти, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди олиб борилмоқда.

Жаҳон фольклоршунослигида дostonчиликнинг юзага келиши, ривожланиши, эпик куйчилар репертуарининг бойиб бориши каби ижодий жараёнлар, эпик асарлар сюжети, композицияси, образлар ва мотивларнинг генезиси ва тарихий тараққиётига доир тадқиқотларда янги натижаларга эришилган. Хусусан, бахшиларнинг эпик асарларни яратувчи, ижро этувчи ва авлоддан авлодга ўтказувчи фольклор ижрочи типи эканлиги сифатида ўзига хос хусусиятлари очиб берилган (University Oxford, USA), туркий халқлар дostonларининг миллий ўзига хослиги, эпик сюжетларнинг версия ва вариантлари, қаҳрамонлик эпосининг бадиияти, эпик куйчи турнинг шаклланиши тарихи аниқлаштирилган (University of Bonn, Germany), эпик

<sup>2</sup> Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи: <https://www.harvard.edu>; <https://www.columbia.edu>; <https://www.publishersweekly.com>. <https://www.publishersweekly.com/pw/bytopic/industrynews/tipheet/article>; <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/fullist/special>; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razvitiya-i-va-boshqa-manbalar-asosida-amalga-oshirilaadi>.

анъананинг бадий матн-ижрочилик санъати – эпик анъана бирлигидан иборат санкретик ҳодиса эканлиги (University of Harvard, USA), эпос ва тарихий воқелик муносабати, эпик билим ва эпик хотира туркий халқлар фольклори эпоси архаик сюжетларнинг тарихий-генетик асослари таҳлил қилинган (M.Avezov Institute and Qozog'iston, Baku Davlet universiteti, Ozarbayjon), Марказий Осиё эпик сюжетларининг генезиси, типологияси ва поэтик трансформацияси жараёнлар ёритилган (University of British Columbia, USA), дostonчилик мактаблари, бахшичилик ва дostonчиликда устоз-шогирд анъаналари, бахшиларнинг репертуари, дostonнинг жанр хусусиятлари ва турлари, версия ва вариантлилик, эпик ижод генезиси, эпик анъана ва бадий маҳорат, дostonларнинг туркумланиши ва ғоявий бадий хусусиятлари, дostonчиликда сўниш жараёни каби назарий масалалар асосланган (ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Дунё фольклоршунослигида бахшичилик ижро маҳорати, эпоснинг тадрижий тараққиёти ва эпик сюжетлар муштарақлиги, образлар ва мотивлар генезиси ва бадий эволюцияси каби йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса, дostonчилик тараққиётида ўзига хос эпик анъана ва бахшилар импировизациясини кўрсатиб бериш, дostonчилик мактаблари ва ҳудудлараро бахшилар репертуарини ёритиш, жонли ижрода эпик анъаналарнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва ҳоказо.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек халқ дostonларни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий таҳлил қилиш, дoston куйловчи санъаткорлар ҳаёти ва маҳоратини ўрганиш соҳасида А. Лорд, В.М. Жирмунский, Э.К. Бертельс, Ҳ. Зарифов, Б. Саримсоқов, Т. Мирзаев, Ш. Шомусаров, И. Ёрматов, Ш. Турдимов каби фольклоршунос олимларимиз тадқиқотлари фольклоршунослигимизда жиддий ютуқларга эришган. Эпосшунослик учун дostonларга ёзилган сўзбошилар дастлабки замин бўлган бўлса, кейинчалик ўзбек дostonчилигининг умумий масалаларини, халқ бахшиларининг эпик репертуарини, дostonчиликдаги айрим муаммолар – вариантлилик, туркумлик, бадий маҳорат, ғоявий-бадий хусусиятлар, маълум бир бахши маҳоратини таҳлил қилувчи алоҳида тадқиқотлар майдонга келди.

Халқ бахшилари репертуари, санъаткорлиги, улар ижро этган дostonларнинг ғоявий йўналишларини таҳлил этиш, дostonларни туркумлаш, таснифлаш ва вариантлилик соҳасида эришилган ютуқлар эпосшунослик муаммолари ҳал этилди дегани эмас. Балки эпик ижодиётда барча ўзбек бахшилари учун умумий бўлган услуб элементларини аниқлаш, уларни вилоятлараро ва индивидуал фарқлаш, нисбатан талантили бахшилар маҳоратини ёритиш, эпик асарларнинг ижодий тарихини белгилашдан иборат ўзак масалаларини ҳал қилиш лозимлиги ҳамон кун тартибда долзарб бўлиб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда умумўзбек дostonчилигининг катта бир қисмини ташкил этадиган Жанубий Ўзбекистон воҳаларидаги эпик ижодиётни ўрганиш соҳасида анча ишлар қилинган.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Лорд А. Сказатель. – М.: Восточная литература, 1994.; Райхл К. Тюркский эпос традиции, форм, поэтическая структура. – М.: Восточная литература, 2008.; Жирмунский В.М. Народный героический эпос. – Л., 1979; Азбелев В.И. Историзм и специфика фольклоре. – Л., 1982.; Базанов П.Г. От фольклоре народной

Номи кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, жонли жараёнда яшаш тарзи, умумўзбек дostonчилиги ривождаги ўрни ханузгача эпосшунослик нуқтаи назаридан яхлит тарзда тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-76 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида дostonчилик қадимдан мавжуд бўлгани, у бир неча поэтик мактабларга умумлашган ҳолда ҳозиргача сифат ўзгаришларига учраб, жонли жараёнда яшаётгани, поэтик мактабларнинг ўзаро ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги, шу ҳудуд бахши-шоирларининг эпик анъанада ўзига хос жиҳатлари, репертуар бойлиги билан умумўзбек дostonчилиги ривожига кўшган ҳиссаси, анъананинг давом этиши ва сўниш жараёнининг кучайишини ойдинлаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

Жанубий Ўзбекистонда XIX дан бугунги кунларгача мавжуд бўлган поэтик мактабларни аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқасини, репертуар бойлигини кўрсатиш;

XIX аср бошларидан ҳозиргача бўлган даврда яшаган бахшилар, уларнинг устоз-шогирдлик анъанасини аниқлаб, шажарасини тузиш;

Қашқадарё–Сурхондарё дostonчилигининг умумўзбек дostonчилигига ўхшаш ва фарқли, ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

---

книге. – Л., 1983.; Бертельс Е.Э. **К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов.**// Советское востоковедение. IV, М.-Л.: 1947, – М. 1947. Карриев Б.А. Эпические сказания о Курогли у тюркоязычных народов. – М., 1968.; Максетов К. Каракалпакский эпос. – Т., 1975.; Соколов Ю.М. Русский фольклор. – М., 1941.; Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадиияти; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. Филол. фан. док. дис. авто. – Т., 2004.; Гумилов Л.Н. Древние тюрки. – М., 1967.; Жуманазаров У. Тарих ҳақиқати ва халқ бадий ижоди. – Т., 2007; Тарих, афсона ва дин. – Т., 1990.; Обидова М. “Рустам” туркмидаги дostonлар. – Т., 1982.; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – Б.59-60.; Мирзаев Т. Алпомиш дostonининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968.; Яна ўша: Эпос и сказатель. – Т.: Фан, 2008.; Ҳоди Зариф билан суҳбалар. – Т., 1968.; Яна ўша: Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.: Фан, 1979.; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат, – Т., 1969. – Б.30-61,-,110. ; Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорида эпик жанрлар, – Т., 1981. – Б.14. Мамашукуров К. Идеино-художественные особенности цикла дастанов Нурали. АКД. – Т., 1985.; Мурадов М. Эпос Гороглы сокровишница души и чаяний народа. – Т. 1990.; Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. – Т.: Фан, 1985.; Собиров О. Умир шоир Сафаров. – Т.: Фан, 1981; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. –Т.: Фан. 2001; Турдиев Ш. Гўрўгли дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2001; Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999.; Д. Халилова. “Ёзи билан Зебо” дostonининг вариантлари ва бадиияти. Филол. фан. номз. дис. автореферати. – Т., 2004.; Н. Очилов. XX асрнинг 60-80 йилларида Жанубий Ўзбекистон воҳасида халқ эпик анъаналарининг сақланиш ҳолати. (Қодир бахши Раҳимов ижоди ва репертуари асосида) филол. фан. номзод. дис. автореферати. – Т., 2004; Яна ўша XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари анъаналарининг сақланиш ҳолати. Филол. фан. доктори (Dsc) дис. Авто. – Т. 2021.; Қаҳҳорова Ш. Жанубий Ўзбекистон эпик анъаналарида “Оллоназар Олчинбек” дostonининг тутган ўрни ва бадий эстетик аҳамияти. Филол. фан. номзод. дис. автореферати. – Т.: Фан, 2008. Эргашев А. Қашқадарё–Сурхондарё дostonчилиги. – Т., 2008.; Бахши бадиияти. – Қарши: Насаф, 2015; Оилавий бахшилар шажараси. – Термиз: Сурхон-нашр, 2019.; Қодир бахши абадиияти. – Қарши: Фан ва таълим, 2020.



достонларни туркумлаш ва таснифлашда мавжуд назарий хулосаларга қўшилган ҳолда қўшимча мулоҳазаларни баён қилиш;

бошқа ҳудудлар достончилигида учрамайдиган тарихий ва анъанавий «Авазхон», «Нурали», «Гўрўғли» туркумига доир ўндан зиёд достонларни, «Олланазар Олчинбек» ҳамда илк бор тўлиқ ёзиб олинган «Ёзи билан Зебо», «Келиной» достонлари тадқиқини умумлаштириш, янги достонлар яратишга уриниш натижаларини таҳлил қилиш;

халқнинг эпик қаҳрамонга бўлган эҳтиёжи «Гўрўғли» силсила достонларида янги туркумларни юзага чиқаргани, эпик қаҳрамонлар оилавий шажарасини яратганлигини асослаш.

Жанубий Ўзбекистон достончилик мактаблари бахши-шоирлари санъати тарқалган ҳудудни аниқлаш. достончилик анъанасининг сақланиб қолиш ва жонли жараёнда давом этиш сабабларини кўрсатиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти ҳамда Қарши давлат университети фольклор архивидаги эпос намуналари, 1969-2020 йиллар мобайнида Жанубий Ўзбекистон бахшиларидан ёзиб олинган олтмишдан ошиқ достон, шунингдек, муаллиф томонидан ёзиб олинган ва сўзбоши, изоҳлар билан нашрга тайёрланиб чоп этилган «Жорхун мастон», «Нуралининг банди бўлиши», «Соҳибқироннинг туғилиши», «Аҳмад Яссавий», «Ёдгор», «Ғойибнома», «Жаҳонгир», «Санамгул», «Кунпўлат», «Шерали», «Нурали ва Семурғ», «Малла савдогар», «Қўнғирот», «Хон Далли», «Қодир бахши ҳақида достон», «Келиной», «Ёзи билан Зебо», «Саксон нор», «Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги» «Соҳибқироннинг туғилиши», «Темур ва Боязид», «Қодир бахши ҳақида достон», «Хурдона» сингари 25дан ошиқ достон танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қашқадарё-Сурхондарёдаги достончилик мактабларини аниқлаш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, бахшиларнинг репертуар бойлигини ва маҳоратини ёритиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, тавсифий, умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон достончилигининг қадимийлиги, эпик анъаналарнинг икки воҳа ҳудудидаги поэтик мактаблараро ўхшашликлар ва фаркли жиҳатларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилиб, ижрода, созга муносабатда, репертуарда индивидуаллик хусусиятлари ва бахши-шоирларнинг ижодий ҳамкорликлари ҳамда алоқалари далилланган;

умумўзбек эпосига хос ўхшашликлар, достон ижроси, репертуари, соз ва сўзга муносабати республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги достончилик мактабларига монанд томонлар ва ўзига хосликлар, эпик ижодиётнинг бу вилоятларда жонли жараёнда яшовчанлик сабаблари очиб берилган;

достонларни туркумлаш ва таърифлашда мавжуд назарий хулосаларга қўшимча ҳолда эпоснинг ҳозирги вақтда жонли жараёнда яшаш тарзи ҳақида

мулоҳазалар билдирилган ва бошқа ҳудудларда учрамайдиган ўндан ошиқ дostonлар илмий муомалага киритилган;

“Гўрўғли” силсила дostonларининг янгидан туркумланиши ва эпик қаҳрамонлар оилавий шажарасини асослаш орқали ушбу ҳолатнинг бахшилар саводхонлиги ҳамда анъананинг сақланишига таъсири очиб берилган;

дostonчиликдаги сўниш жараёнининг турмуш тарзидаги ўзгаришлар билан боғлиқ объектив ва субъектив сабаблари, икки воҳадаги ҳолат шарҳи ва сохта дostonларнинг яратилаётгани каби масалалар нуқтаи назаридан постфольклор оқибатлари яхлит тарзда кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат.** Республикамизнинг Қашқадарё-Сурхондарё вилоятларида XIX асрдан ҳозиргача бўлган даврда бахшичилик санъати ва дostonчилик анъаналарининг ривожланиши ва XX асрнинг иккинчи ярмида сўниш жараёнининг бошланиши, унинг сабаблари ва натижалари ёритилган;

Шеробод, Кофрун (Бойсун), Бешқўтон, Қамай, Чироқчи поэтик мактабларининг ҳар бирига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси ва ўхшаш жиҳатлари, бу дostonчилик мактаблари вакилларининг Самарқанд, Хоразм, Туркменистон, Тожикистон бахшилари билан ижодий муносабатлари очиб берилган;

Қашқадарё-Сурхондарё бахшиларининг дўмбира сози ва унинг куйларига муносабати, ижро жараёнида дастлаб уч руҳий ҳолатдаги куй ижро этиши, икки воҳа бахшилари репертуаридагина мавжуд бўлган ўттизга яқин дoston ҳамда уларнинг умумўзбек дostonчилигидаги ўрни тадқиқ этилган;

XX асрнинг 60-90 йилларида икки вилоятда Кофрун (Бойсун), Бешқўтон, Қамай дostonчилик мактаблари, ҳозирда эса Чироқчи поэтик мактаби ҳам тамоман сўнди ва якка-ярим ёш вакиллари Шеробод дostonчилик мактаби таъсирига ўтиб кетгани, бадихағўй дostonчилари камайиб, термачи бахшилар кўпаяётгани ва ёзма адабиётнинг дostonчилик анъаналарига таъсири ошаётганини асослаб беришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишда фойдаланилган таянч тушунчалар бўйича фундаментал илмий-методик маҳсус адабиётларга таянилгани, аввал қўлга киритилган илмий натижалар ҳар тарафлама таҳлил қилингани, ашёвий эпос намуналари, таҳлилга тортилган муаммонинг аниқ қўйилгани, белгиланган вазифаларнинг апробацияси, тадқиқот йўналиши ва илмий йўналиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва илмий тадқиқотнинг натижалари фольклоршуносликнинг илмий концепциялари ва назарий қарашларига таяниб ҳал этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек фольклоршунослигида ривожланиб келган қиёсий-тарихий ҳамда типологик методлар асосида Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг юзага келиши, ривожи ва таназзулга юз

тутиши, ўзга ҳудудлардаги эпик ижодиёт билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳамда поэтикасини ўрганишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус билим юртли ва бахшичилик мактаблари ва синфларида фольклор бўйича дарслар, махсус курс машғулотлар ўтиш ва ўзбек фольклори бўйича дарсликлар, ўқув, ўқув услубий қўлланмалар яратишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қадимий дostonчилик анъаналарининг ҳозиргача жонли жараёнда Жанубий Ўзбекистонда сақланиб туриши, бугунги ҳолати, халқ дostonларининг ижро усуллари, йўллари, дostonчилик мактаблари ва ҳар бир поэтик мактабга хос репертуарининг мавжудлиги, эпик анъана, маҳорат, дostonларнинг ғоявий бадиий хусусиятлари, ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар билан боғлиқлиги, бахшилар ижодкорлиги бўйича тўпланган натижалар асосида:

ўзбек халқ дostonларидан тузилган “Тўрўғлининг болалиги” номли 23-жилд ҳамда “Ғойибнома” 49-жилдларини тайёрлашда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” мавзусидаги ОТ-Ф1-76 рақамли фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2021 йил 22 ноябрдаги 3/1255-3245-сонли маълумотнома). Натижада ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари, жумладан, Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигининг умумўзбек эпоси тарққиётидаги ўрни масалаларини ўрганишга эришилган;

“Алпомиш” дostonининг қардош версияларини қиёсан тадқиқ этишда, бахшилик санъати, дostonчилик мактабларига хос белги ва хусусиятларни аниқлаштиришда, халқ дostonлари ва афсона ривоятларидаги бахши образини қиёсан тадқиқ этишда, дostonлардаги эпик формулаларнинг генезиси, мифологик илдизлари хусусидаги илмий-назарий хулосаларидан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий текшириш институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш (2017-2020)” мавзусидаги фундаментал тадқиқотларда фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 18 ноябрдаги 358/1-сон маълумотномаси). Натижада дostonчилик мактабларининг ўзига хос жиҳатлари ва ўхшаш томонлари, фольклор наъмуналарини ёзиб олиб олиш хусусиятлари ва йўллари, бахшилар репертуарини ўрганиш усуллари, дostonларда миллий қадриятларнинг ёритилиш соҳасида янги илмий қарашларни шакллантиришда ёрдамчи восита сифатида қўлланилган;

фольклорни, хусусан, халқ дostonчилик анъаналарини сақлаш, давом эттиришда асрий устоз-шогирдчилик муносабатларни узлуксиз давом эттириш, бахшининг ижро усули ва йўллари атрофлича тадқиқ этиш бу соҳадаги ўзгаришларни кузатиб боориш, бадиҳагўй, ижрочи, хаваскор бахшиларни аниқлаб баҳолаш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан муҳим эканлиги ҳақида илмий назарий хулосалардан фойдаланиш бахшичилик соҳасидаги барча тадбирларда, ХТ-Ф2-004 рақамли ёш олимлар фундаментал илмий

тадқиқотларини маданият соҳасида бажаришида Қашқадарё вилоят маданият бошқармаси ушбу диссертатсиядаги назарий илмий хулосаларга таянмоқда (Қашқадарё вилоят маданият бошқармасининг 2020 йил 2 ноябрдаги 07-660 сонли маълумотномаси). Натижада устоз-шогирдчилик анъаналарини изчил давом эттиришга, бахшиларнинг эпик хотирасини, эпик билимини, созандалик маҳоратини, ижодда сўз, соз ва овоз уйғунлигини тўғри баҳолашга, бахшичилик соҳасидаги турли тадбирларни юқори савияда ташкиллаштиришга мувофақ бўлинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3та халқаро ва 8та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 34та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 12 та монография ҳамда диссертация мавзуси бўйича 34та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 12 та монография ҳамда Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан хорижий журналларда 5 та, республика журналларида 6 та мақола чоп қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, асосий тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 304 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацион ишнинг «Кириш» қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар ёритилган.

Тадқиқотнинг **биринчи боби «Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилигининг ўрганилиши»** деб номланади. Ушбу бобда икки воҳа дostonчилигининг ўрганилиши, поэтик мактаблар ва уларнинг алоқаси, Жанубий Ўзбекистон эпосини ўрганишда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган айрим хатоларни таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Жанубий Ўзбекистон халқ оғзаки ижодини ўрганишга киришиш 1929 йилдан бошланди. Икки воҳа дostonчилигини илк бор тадқиқ этишга киришган фольклоршунос Ҳ.Зарифов ҳисобланади. У Ғози Олим Юнусов, Потапов билан 1929 йилда уюштирган экспедицияда чирокчилик Бойсари, Ражаб бахшиларни, китоблик Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холиёр юзбоши Абдукарим ўғли каби талантларни аниқлади, репуртуардаги асарлардан намуналар ёзиб олди<sup>4</sup>. Холиёр Абдукарим ўғлидан ёзиб олган

<sup>4</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Т., 2013. – Б. 266-271.

«Амир қочди» достонини дарсликка киритди. Шеробод достончилик мактаби тўғрисида навбатдаги маълумотни берган олим Мансур Афзалов бўлди. 1929 йилги экспедициядан ўн олти йил ўтгач, 1945 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бир гуруҳ илмий ходимлари Қашқадарё–Сурхондарё воҳаларида фольклор экспедициясида бўлиб, Шеробод бахшилари билан учрашди, айрим достонлар ва достонлардан парчаларни ёзиб олди<sup>5</sup>.

1955-60 йилларда воҳага уюштирилган навбатдаги фольклор экспедицияларида ўн бешга яқин достон матни қоғозга тушди.

Бутун Жанубий Ўзбекистон фольклорини, хусусан, достончилигини комплекс тарзда тўплаш ва ўрганиш жонли жараёни изчил кузатиш 1953 йилдан бошланди. 1963-2020 йиллардаги узлуксиз фольклор-этнографик экспедициялари, шахсий мақсадли сафарлар йўли билан текширишлар натижасида XIX асрнинг бошларидан ҳозиргача яшаб ижод этган ва достончилик жараёнини узлуксиз давом эттирган 200 дан ортиқ турли савиядаги ва ҳар хил касб-ҳунар эгаси бўлган бахшилар аниқланди. Фольклоршуносликда илк бор 1969 йилда бу воҳаларда ҳам достончилик мактаблари бўлганлиги тан олинди, фанда эътироф этилди.

Ҳақиқатда фольклоршуносларнинг Қашқадарё–Сурхондарё оғзаки ижоди билан қизиқиши, уни ўрганишига интилиши том маъноси билан 60-йилларнинг охири ва 70-йилларда юз берди. Айниқса, 1969 йил июль-август ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.Навоий номи Адабиёт музейи ва Қарши Давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультети ўқитувчи ва талабаларининг ўттиз беш кунлик фольклор - этнографик - диалектологик экспедициясида Жанубий Ўзбекистон фольклорини, хусусан, достончилигини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Экспедиция аъзолари шу ҳудуддаги турли достончилик мактаблари вакиллари аниқлаш, уларнинг репертуарларини ўрганиш билан шуғулландилар. Юсуф қори Ўтаган ўғли, Тангри Сафаров, Мамарайим юзбоши, Чори бахши Қиём ўғли, Нормурод Поён ўғли, Эшмурод Шердан ўғли, Тошмурод Тўра ўғли, Ражаб бахши Нормурод ўғли, Ҳайим Пиримқул ўғли, Хушвақт бахши Мардонакулов, Эшқобил Қўшоқ ўғли, Ғойим бахши, Ҳайинназар Алисаид ўғли, Ҳазратқул Худойберди ўғли, Тоғай шоир, Шомурод бахши, Кўзи бахши, Тўқли бахши, Хушвақт Сафаров, Нарзулла Холмўминов, Ўсар Эркаев, Азим Хўжаев, ака-ука Эшназар ва Бекназар Раҳматов, Рўзи бахши, Гунг созанда сингари ўттизга яқин халқ ижодкорлари билан мулоқотда бўлиб, улардан «Ойсанам», «Нуралининг ёшлиги», «Нурали ва Семурғ», «Шаҳиднома», «Келиной», «Ойчинор» сингари ўндан ортиқ достон, кўплаб термалар, кўшиқлар, афсоналар, ривоятлар, эртақлар ва бошқа жанрлардаги асарларни ёзиб олдилар.

Воҳа достончилиги илк бор йирикроқ тадқиқот А.Қаҳҳоровнинг 1971 йилда химоя қилган «Келиной» достони туркуми бўлди.

<sup>5</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ бахшилари. Шарқ юлдузи, 1946. – № 10-11.

Бизнингча, аслида янги дostonларни, «Келиной» туркумидан мустасно этган ҳолда, тематик жиҳатдан қуйидагича тавсифлаш лозимки, бу умумўзбек дostonчилигига ҳам хосдир:

1. Янги даврни акс эттирувчи дostonлар: «Амир қочди», «Дастагул», «Қорақум», «Ойша», «Келиной»нинг Тош шоир варианты кабилар.

2. «Хужум» компанияси таъсирида яратилган замонавий асарлар: «Жумагул», «Пардахол», «Қизлархон», «Хонсулув», «Али ва Жангил».

3. Шўролар тузуми, унинг раҳнамоси ва мафкураси мадҳига бағишланган дostonлар: «Абил ботир», «Даврим фарзанди», «Отибақд полвон».

Мавзу жиҳатдан уч гуруҳдаги XX асрда яратилган бу асарлар гарчи дoston дейилса ҳам, аввало, кўпчилиги анъанавий дoston жанри талабларига тўғри келмайди; иккинчидан, халқ томонидан анъанавий дostonлардек севиб тингланмади, оммалашмади ва биронтаси ҳам вариантлашмай, бир ижодкорнинг индивидуал ижод маҳсули сифатида қолиб кетди. Аммо уларнинг қатида бахшининг бадиҳагўйлик маҳорати, қобилияти, ўзига хос иқтидорини кўрсатувчи ўринлар ҳам оз эмас.

Жанубий Ўзбекистонда бахшичилик жонли жараёнда давом этаётгани, навбатдаги изланишларга, монографик тадқиқотларга олиб келди. Худуддаги дostonчилик мактаблари аниқланди, уларнинг тарқалиш доираси ўрганила бошланди, дастлабки тадқиқотлар яратилди. Тадқиқотларда Қашқадарё–Сурхондарёдаги Шеробод, Шаҳрисабз, Қамай дostonчилик мактаблари эътироф этилди.

Дастлаб эътироф этилган шу уч поэтик мактабларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни, уларнинг умумўзбек дostonчилигидаги ўрнини илк бор умумий тарзда профессор Т.Мирзаев илмий асослаган ҳолда тўғри кўрсатган<sup>6</sup>. Шаҳрисабз дostonчилик мактаби атамасини дастлаб қўллаган В.М.Жирмунский ва Ҳоди Зарифовлар Абдулла шоир Нурали ўғлининг шаҳрисабзлик бўлганига асосладилар<sup>7</sup>. Иккинчи қараш Шаҳрисабз эмас, балки Чирокчи поэтик мактаби бўлган деган фикрни Жанубий Ўзбекистон дostonчилигини узоқ йиллар синчиклаб ўрганган фольклоршунос Абдимўмин Қаҳҳоров баён қилади<sup>8</sup>. Биз ушбу ўринда А.Қаҳҳоров фикрини маъқуллар эканмиз, қуйидаги далилларга асосланамиз.

1. Ўша вақтдаги худудий бўлиниш ва фольклоршунослар фурсати нуқтаи назаридан В.М. Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовнинг Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактабларини, ундаги устоз-шоғирдчилик анъаналарини чуқур ўрганишга имкони бўлмаган.

2. Ушбу устоз фольклоршунослар Абдулла шоирга хос хусусиятлардан асосийси матнни шўх айтишда деб кўрсатганда ҳақ. Аммо бу фикр Абдулла шоиргагина эмас, у мансуб Чирокчи поэтик мактаби вакилларининг ўзига хос ижро усули сифатида барчасига мосдир.

<sup>6</sup> Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.: Фан, 1979, – Б.50-53. Бундан сўнг Мирзаев Т. “Эпик репертуар”, деб китоб саҳифасини келтирамиз.

<sup>7</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос ...с.51-52.

<sup>8</sup> А.Қаҳҳоров. Кўрсатилган асар, – Б.11-12.

3. Бахши қаерда туғилиб, ўсиб-улғайишига, яшашига қараб эмас, устоз-шогирдчилик анъанаси, устознинг репертуарини, айтиш усулларини, соз чертиш йўлларини ўрганишга, ўзлаштиришга кўра бирон дostonчилик мактаб давомчиси бўлади. Абдулла шоир Нурали ўғли Чироқчи дostonчилик мактабининг йирик вакили Ражаб шоирнинг давомчисидир.

4. Бир устоздан сабоқ олган икки шогирд кейинчалик ўз ижро усули, анъанавий матнларини бадиҳа йўли билан мустақил ишлаши, эволюция ёки интерпритацияга олиб келган ҳолда янги бир поэтик мактабга асос солган устоз даражасига кўтарилиши мумкин. Бироқ Абдулла шоир бунга эришмаган.

Кейинги узоқ кузатишлар юқорида қайд қилинган уч поэтик мактабдан ташқари Сурхондарёда яна икки дostonчилик маркази бўлганини тасдиқламоқда. Булар Бешқўтон (Ҳозирги Музрабод тумани) ва Кофрун (Бойсун тумани) худудларида жойлашган.

Шеробод поэтик мактабининг асосчиси Шерназар Бердиназар (1855-1915) ўғли ҳам, Бешқўтон поэтик мактабининг асосчиси Алим бахши ҳам Қосим (баъзи манбаларда Қосимкўр) юзбошининг шогирди бўлишган.

Қосимкўр юзбоши Бобо шоирнинг (XVIII аср охири XIX асрнинг яrimi) шогирдидир.

Айни дамда Шерназар Бердиназар ўғлининг бобоси Алибой юзбоши, Шерназарнинг отаси Бердиназар Алибой ўғли ҳам бахшичилик санъатини яхши билган. Шерна номи билан шуҳрат қозонган Шерназар Бердиназар ўғли Умир шоир Сафаров, Ражаб Нормурод ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Жўра Эшмирза ўғли, Муҳаммадраҳимхўжа Муҳаммадсодиқ ўғли, Олтибой юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши, Худойберди юзбоши, Эсон юзбоши, Аҳмад юзбоши, Тўқли Шерна ўғли, Шотўра юзбоши Худойкул ўғли, Маматкул юзбоши, Товошар юзбоши, Назар юзбоши, Шомурод Шерна ўғли, Ақан юзбоши, Нормурод Шерна ўғли, Тожи Шерна ўғли, Қаршибой Шерна ўғли, Жўра лўли, Эрка лўли, Маманиёз лўли, Бўрон лўли, Кенжа лўли каби шогирдларни етиштирди.

Қосимкўр юзбошининг яна бир шогирди Бешқўтон дostonчилик мактабига асос солган Алим юзбоши Нормурод Поён ўғли, Аҳмад бахши, Шодмон қори, Норбой юзбоши, Холиёр Абдукарим ўғли, Боймурод Боймат ўғли, Холиёр Алим ўғли сингари бахшиларга устозлик қилган.

Бойсун туманининг Кофрун қишлоғида ҳаёт кечирган Абдурасул юзбоши эса Мирза юзбоши Хўжамурод ўғли (1875-1913), Эшмурод Шердан ўғли (вафоти–1984), Тошмурод Шердан ўғли (вафоти–1943), Норбой юзбоши (вафоти–1918), Мирзакул юзбоши (вафоти–1948), Исмоил Тўра ўғли (1878–1969), Улаш Ғозиев (1892–1969), Парда Хушвақт ўғли, Эгамберди юзбоши, Зиё кўр юзбоши, Тошмурод Тўра ўғли (1897–1987) кабиларни вояга етказган. Аммо Бешқўтон ва Кофрун дostonчилари устоз-шогирдчилик анъанасига етарли аҳамият бермаганликлари сабабли 70-йилларга келиб сўнди. Битта-иккита охири вакиллари ҳам Шеробод поэтик мактабига сингишиб кетдилар.

Қашқадарё–Сурхондарё бахшилари Самарқанд, Туркменистон, Тожикистон дostonчилари билан ҳам доимий ижодий алоқада бўлишган. Жанубий Ўзбекистон поэтик мактаблари намояндалар орасида ўхшаш жиҳатлар билан бирга ижрода ва соз оҳанглирида ўзига хосликлар ҳам бўлган. Жумладан, 1969 йил Шеробод дostonчилик мактаби вакили Қодир бахши Раҳим ўғли билан Бешқўтон бахшилари давомчиси Аваз бахши бир кеча дўмбира чертишда беллашди. Бири ижро этган куйни иккинчиси мутлақо такрорламаса ҳам, тонг отгунча куй тугамади. Ёки кофрунлик бахшилар репертуарида бўлган «Ҳотампошшо», «Қирқ дарвозали Қрим», «Ойпошша» дostonлари бошқа поэтик мактаб вакиллари репертуарида қайд этилмади. Машҳур Қодир бахши Раҳимов «Малла савдогар» дostonини икки версияда ижро этиб, бири Шернанинг, иккинчиси Алим бахшининг йўли дер эди. Жумладан, Қамай поэтик мактаби вакиллари Шеробод дostonчиларига ўхшашлиги шундаки, қамайликлар XVIII асрда Шеробод томонидан кўчиб келган ва ўрнашиб қолган.

Қамай дostonчилик мактабининг илдизи бир томондан Шеробод дostonчилик мактабининг вакиллари номи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ғузорлик Шохназар шоир (XIX аср II ярми–1910) билан алоқадордир. Абдурайим Жуйрук, Бойсари бахши, Мулла Холназар, Мулла Бозор, Шерқул бахши, Худойқул шоир, Мурод бахши, Бозор Шерқул ўғли, Мулла Йўлдош, Мулла Хўжамқул, Назар Шукур ўғли, Ҳаким шоир, Ҳазратқул Худойберди ўғли каби дostonчилар Қамай поэтик мактабининг ўзига хослигини кўрсатувчи ижодкорлардир. Аммо XX асрнинг охирида бу мактаб ҳам сўниб бўлди.

Чироқчи поэтик мактабининг Рустам шоир, Холназар шоир, Искандар шоир, Тўра шоир, Ражаб шоир, Абдулла шоир Нурали ўғли, Мардон шоир, Тоғай шоир, Ўсар шоир, ака-ука Қўзи ва Тўкли шоирлар, Уста Ниёз, Нарзулла шоир, Азим шоир ва Шомурод шоир каби ўнлаб вакиллари эл орасида машҳур бўлган. Ҳозирги пайтда бу мактабнинг бир-икки сўнгги вакилларигина яшаб турибди.

Бугунги кунда ҳам жонли ижодий жараён давом этаётган Шеробод поэтик мактабининг таъсир доираси аввалдан Қашқадарё–Сурхондарё ва республикамизнинг бошқа жойларидаги поэтик мактаблардан ўта кенглиги билан ажралиб туради.

Бироқ ҳозирда ижод қилаётган бахшиларни бир поэтик мактаб доирасида ўрганиш ва тадқиқ этиш имконсиз. Чунки:

а) саводхон бахшилар республикамизнинг бошқа ҳудудларида яшаган бахшиларнинг нашр этилган асарларини ўқиб ҳам репертуарни бойитмоқда;

б) ижро усуллари, йўллари ҳам кўшилиб кетди. Ҳатто Қодир бахшининг дўмбира куйига хоразмча чолғу асбобларини кўшиб ижро этиши оммалашиб кетди;

в) бугунги кунда ҳатто “Алпомиш” дostonининг Қашқадарё–Сурхондарё вариантини Фозил шоир варианты таъсирсиз айтадиган биронта бахши йўқ.

Агар Булунғур, Норпай, Нурота ёхуд Жума бахшилари ўзлари мансуб дostonчилик санъатини бир–икки туман ҳудудидагина тарқатган бўлсалар,



Шеробод мактаби вакиллари бутун Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларининг катта қисмида, Туркменистон ва Тожикистоннинг ўзбеклар яшайдиган ҳудудларигача тарқалиб, ўша ерларда ҳам дostonчиликнинг яшовчанлигига замин ҳозирлаган. Тожикистонда яшовчи бахшилар, хусусан, лақай бахшилари репертуарида учрайдиган «Алпомиш», «Гўрўғли» туркум дostonлари Жанубий Ўзбекистонда яшовчи бахшилар таъсирида шаклланганлигини илмий далиллар тасдиқлайди<sup>9</sup>.

Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидаги поэтик мактаблар ҳам ўзаро яқин алоқада бўлганлар. Масалан, шахрисабзлик Зоҳир шоир Қўчқоров норпайлик Ислom шоирнинг шогирдидир.

Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, А.Қаҳҳоров, З. Хусаинова, М.Муродов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Саидов, О.Собиров сингари фольклоршуносларнинг Жанубий Ўзбекистон дostonчилигини ўрганиш соҳасидаги хизматлари салмоқли бўлди.

Бироқ ҳудуд бахшилари репертуарини ёзиб олиш ва Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактаблари вакиллари ижоди етарлича таҳлил қилинмаганининг объектив ва субъектив сабаблари борки, бу қуйидагиларда кўринади:

1) фольклорий жараёни мунтазам кузатувчи йўқлиги;

2) устоз фольклоршунос Ҳ.Зарифов фольклорни илк бор ўрганишга киришилган пайтда инқилобдан кейинги алғов-далғов давр бахшиларни кўрқувга солиб қўйганлигига эътиборни қаратган бўлса-да, сўнгги изланувчилар бу кўрқитишнинг табиий оқибатларини етарли ўрганмади;

3) 40-80-йилларнинг маҳаллий раҳбарлари ҳам бахшиларга муносабатда 20-30-йиллардагидан юқори савияга кўтарилмади.

4) вақтинча, илмий ходим фурсати билан ҳисоблашишга мажбур этадиган экспедициялар ва сафарлар бахши руҳиятини тушуниш ва ундан катта бир дostonни тўлиқ ёзиб олишга имкон бермади;

5) XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб саводхон бахшилар билганларини ўзи қоғозга тушириб, ўзлари чоп эттириш йўлига тушдилар. Афсуски, шу йўл билан нашр қилинган Боборайим бахшининг «Сарвиғул», «Авазхон ота юртида», Чоршанби бахшининг «Тошбосар», «Хурсина», Чори бахши Умировнинг «Эрали», «Алп Қўнғиротбек», Абдуназар Поёновнинг «Турсун мерган», «Даврқул полвон» каби дostonлари эпик анъананинг бузилишига, воқеаларнинг сунъийлиги, бадиият етишмаслиги, ёзма адабиёт элементларини аралаштириб юборишга олиб келди.

Айрим тадқиқотчилар, аллақачон исботланган масалаларни рад этишга ҳаракат қилиши ёки ўзича «кашфиёт»га уриниши кўзга ташланди. Жумладан, Д.Абдурахмонов «Алпомиш дostonининг генезисига доир мулоҳазалар» мақоласида «... қўнғирот уруғлари тарқалган ва тарихий топономик маълумотлар сақланмаган ўзбек массивларида (масалан, Ғузор–Бойсун–Термиз тумани) эса ««Алпомиш» дostonнинг йирик ижрочилари, улкан бахшилар бўлмаган ёки бўлса ҳам бу анъана бизгача етиб

<sup>9</sup> Тиловов А. Ўзбек ва тожик халқ эпоси алоқаларига доир // Ислom шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Т.: Фан, 1975. – Б.103–108.

келмаган»<sup>10</sup>, – деган асоссиз даъвони ўртага ташлаш билан кифояланмай яна ёзади: «... кучли бахшилар ва уларнинг анъаналари Ғузур – Бойсун томонларда бўлмаган. Бўлганлари эса Самарқанд мактаблари вакиллари билан беллаша олмаганлар»<sup>11</sup>.

Фольклоршунос Т.Турдиев «Шажара» рисоласида икки воҳадаги поэтик мактаблар, устоз-шогирдлар, бахшилар номи, яшаш жойи, репертуарида қатор фактик хатоларга йўл қўяди. Аини вақтда фольклор ихлосманди Чори Ҳамрони ва Абдулла шоирни мактаймак деб, яна уч хато қилади.

**Биринчиси**, Ҳ.Зариф, М.Алавия, М.Саидов, Т.Мирзаев, М.Муродов, О.Собиров, А.Қаҳҳоров сингари таниқли фольклоршунос олимларнинг барчасини Чори Ҳамродан ўрганган, уларнинг айримлари «неча-неча дафтарларни қўлтиқлаб чиқиб кетган»<sup>12</sup>, – дейишдир. Бу фикр билан муаллиф таниқли олимларнинг тўпловчилик, тадқиқотчилик фаолиятини шубҳада қолдиради. Аммо улар меҳнатига шубҳа қилиш мумкин эмас,

**Иккинчиси**, Абдулла шоирни Чори Ҳамро 40 ёшларида таниб кашф этган эмас. Балки уни 1929 йилда ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси машҳур олим Ҳоди Зариф кашф этган. Абдулла шоир 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашган, 1938 йили «Ўзбекистон халқ дostonчиси» унвонини олган<sup>13</sup>.

**Учинчиси**, Абдулла шоирнинг устози Ражаб шоир «Шерна бахшининг мактабида таълим олган» -дейди Т. Турдиев.<sup>14</sup> Йўқ, аслида Ражаб шоир Чирокчининг Қутчи қишлоғидан бўлиб, Қамаши туманининг Тўқбой қишлоғидаги Искандар шоирнинг шогирдидир.

Ҳар икки далилни фольклоршунос Ҳ. Зарифов, А.Қаҳҳоров анча аввал рад этиб, илмий исботлаган<sup>15</sup>.

Афсуски, Т. Турдиев яна хатоларда давом этиб, ўзи Хушвақт бахши Мардонақуловдан ёзиб олган “Алпомиш” дostonини Фозил шоир, умуман бошқа ўзбек бахшилари вариантдан устун дейиш билан кифояланмай ёзади. Хушвақт бахши варианты “янада мукамаллашган, сайқаллашган... ҳар жиҳатдан пухталиги, воқеа кечадиган жойларнинг аниқлиги, тасвирнинг ҳаётий эканлиги, тилининг ширадорлиги билан ажралиб туради”<sup>16</sup>.

Ўрол Ўтаев ва Отаёрнинг «Дунёга тенгдош хазина» китобида<sup>17</sup> Абдулла Нурали ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Чори бахши Хўжамберди ўғли, Шоберди бахши Болтаев, Ҳазратқул бахши Худайбердиев, Хушвақт бахши Мардонақулов, Боборайим Бобомуродов, Ҳожимурод Тожимуродов, Зоҳир шоир Қўчқоров, Умир шоир Сафаров, Шодмон бахши Хўжамбердиев каби барча ижодкорларни бир хилда макташ йўлидан борадилар.

<sup>10</sup> Д.Абдурахмонов. «Алпомиш» дostonининг генезисига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1984. 6-сон, – Б.36-41.

<sup>11</sup> Кўрсатилган мақола. – Б.36-41.

<sup>12</sup> Т.Турдиев. Шажара, – Т.: Нур, 1991 – Б.48.

<sup>13</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос...– с.51.

<sup>14</sup> Т. Турдиев. Кўрсатилган манба.

<sup>15</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Т., 2013. – Б.266-271.Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. – Т.: Фан, 1985. – Б.10-11

<sup>16</sup> Т. Турдиев. Алпомиш қаҳрамонлик қўшиғи.// Алпомиш. – Т.: Тафаккур, 2014. – Б.4-5.

<sup>17</sup> Ўтаев Ў., Отаёр. Дунёга тенгдош хазина. – Т., 1994.

Фольклор асарлари, уни яратувчилар, ижрочилар ва фольклоршунослар ҳақида ғайри илмий фикр билдириш фақат баъзи тадқиқотчиларда ва журналистлар томонидангина эмас, айрим нуфузли олимлар томонидан ҳам содир бўлаётгани ачинарлидир. Шу ўринда педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошевнинг «Алпомиш талқинлари» китобини<sup>18</sup> келтириш мумкин. Муаллиф халқимизнинг буюк эпоси бадиияти ва миллат маънавияти ҳақида фикр юритишни мақсад қилиб қўйгани ҳолда фольклоршуносларга тош отиш, уларни илмсизликда, «Алпомиш»ни дostonини нотўғри талқин қилишда, «кун ботиш фольклоршунослари»дан нусха кўчиришда қоралашдан чарчамайди. Алоҳида олинган фольклоршуносга эмас, балки умуман ўзбек фольклоршуносларига қарийб йигирма ўринда асоссиз тош отилади. Ғ.О.Юнусов, Ҳ.Зариф, Ҳ.Олимжон, В.Жирмунскийлардан тортиб то ёш, истеъдодли фольклоршунос Ж.Эшонқуловгача гўё ҳеч иш қилмагандек олим назарида.

Бошқа бир гуруҳ тарихчи олимлар эса фольклоршунослар юз йилда эришган назарий ва амалий илмларни, Сурхондарё-Қашқадарё дostonчилигида қўлга киритилган натижаларни деярли йўққа чиқариб чалкаштириб ташлайди.<sup>19</sup> Аввало китоб монография эмас, балки халқ оғзаки ижоди (фақат бахшичиликдан эмас)дан гоҳ эшитган, гоҳ кўрган-билганларини фольклоршунослик илмидан батамом беҳабар ҳолда жамланган шунчаки бир мажмуадир.

1. Муаллифлар Жанубий Ўзбекистон фольклорини ўрганишга зарурият юзасидан ёндошмаган, жонли ижодий жараённи кузатмаган ва номигагина фикр юритишни лозим топган.

2. Ўзбек фольклоршунослиги соҳасида эришган ютуқлардан беҳабар бўлгани ҳолда, мавжуд далиллардан кўз юмиб, ўзича «кашфиёт» қилишга уринадилар.

3. Бахшилар ҳақида фикр юритса-да, ўша бахшиларни қайси типдаги (ижодкор, ижрочи ёки ҳаваскор)лигини билмайди.

4. Таҳлил этилаётган дoston қандай аудиторияга, мўлжалланганини (алоҳида якка шахс ё кўпчилик олдидан ижро этилгани) ёлғиз ҳолда айтилгани, магнитофонга ёздиргани, қоғозга ўзи ё тадқиқотчи туширгани ва ижодкорнинг ижро давомидаги руҳиятидан беҳабар ҳолда асарни баҳолайдилар.

5. Фикр юритилаётган дoston қайси дostonчилик мактабига тегишли эканлигини, мазкур поэтик мактабга хос хусусиятлар ва анъаналарни аниқламасдан хулоса чиқарадилар.

Аслида Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигидагина мавжуд бўлиб, бошқа дostonчилик мактаб вакиллари репертуарида учрамайдиган дostonлар Гўрўғлининг ўлими ҳақидагина эмас, балки унинг кексалигини тан олиб, ёруғ дунёни тарк этиб (ғорда, ер тагида) яшаши тўғрисида «Ғарибнома», чилтонларга кўшилиб кетиши тўғрисида «Ғойибнома», асранди фарзанди

<sup>18</sup> Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари. – Т.: Маънавият, 2002.

<sup>19</sup> Гурсунов С., Пардаев Т., Гурсунова Н., Муртозаев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тарққиёт тарихи. – Т.: Тафаккур, 2015.

ҳақида «Авазнинг туғилиши», неваралари Нурали, Шерали, Амиркул ҳақида, чевараси Жаҳонгир тўғрисида 40 дан ошиқ мустақил сюжетли вариантларининг мавжудлиги, «Келиной», «Ёзи билан Зебо» дostonлари яхлит сюжет ва композицияга эга ҳолда ёзиб олиниб нашр этилгани, ёки одоб-ахлоқ, эътиқод-иймон, бахшичилик ҳақида махсус «Ота дуоси», «Олланазар–Олчинбек», «40 қасамёд», «Бахши», «Қўнғирот» ва Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Махтумқули каби дostonлар, ҳамда Амир Темур тўғрисида туркум дostonларнинг борлиги ва бизгача етказиб келиниши ҳам Жанубий Ўзбекистон дostonчилари умумўзбек эпосига муносиб ҳисса қўшганини асослайди.

Иккинчи боб «**Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги эпик анъаналари**» деб номланади ва қуйидаги фикр-мулоҳазалар билдирилади:

Республикамизнинг кўпгина дostonчилик мактабларида ҳар қандай профессионал бахши дoston тинглашга аудиторияни тайёрлаш учун икки шартни бажарса, Жанубий Ўзбекистон бахшилари (Чироқчи поэтик мактаби вакиллари мустасно қилганда) уч шартни адо этади: 1) соз (асосан дўмбира)нинг соз-носозлигини билиш учун албатта учта, ҳеч бўлмаганда битта куй ижро этади; 2) бир ёки иккита терма куйлайди; 3) кўпинча «Нима айтай?» термаси ёхуд айрим дostonлардан парчалар айтилади. Ушбу бобда дoston ижросида бахшиларнинг соз (дўмбира)га муносабати, устоз-шогирдчиликда ўзига хосликлар, ижодкор репертуарининг бойиш манбалари, дoston куйлашда матнга муносабат, матнда назмий ўриндаги анъаналар, табиат тасвири ва эпик қаҳрамон руҳияти, эпик ўринлар, тайёр мисралардан фойдаланиш, қадимий асосларнинг сақланиши кабилар таҳлил этилади.

Бу ҳудудда дoston куйлашга киришишдан олдин ҳар икки томон куйловчи (бахши) ва тингловчи бир-бирларини руҳий синовдан ўтказиб, ўзаро мослашиб оладилар. Мана шу ўзаро параллел ҳолатдаги руҳий мослик юзага келгандан сўнггина бахши дoston куйлашга киришади. Дoston ижросида дўмбира куйларига алоҳида эътибор қаратилади. Биз узоқ кузатишларимиз давомида воҳада юздан зиёд дўмбира куйларига дуч келдик ва тингладик:

Дўмбира куйларини тематик жиҳатдан қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Эпик ўринлар билан боғлиқ куйлар - «От ҳайдаш», «Насихат», «Хайрлашув», «Авазнинг жангга кириши», «От мактови».

2. Дoston қаҳрамонларининг номи, ҳатти-ҳаракати, руҳияти, ҳусни-жамолини мадҳ этишга бағишланган куйлар - «Келиной», «Хонимой», «Улуғой», «Иззатой», «Келинойнинг ўтовдан чиқиши», «Ойпари» сингарилар.

3. Меҳнат жараёнини акс эттирувчи куйлар – «Қўй ҳайдаш», «Қўй суғориш», «Майда», «Кун кўрмай кашта тикар», «Қўш ҳайдаш».

4. Табиатдаги қушлар, ҳайвонлар билан боғлиқ куйлар - «Каклик овлаш», «Тўрғай ноласи». «Кийикнома».

5. Бахшиларнинг шахсий ҳаёти, интим туйғулари, санъаткорлиги билан боғлиқ куйлар «Шерна куйи», «Умир шоир куйи», «Мардонакул куйи»,

«Алим бахши куйи», «Қодир бахши куйи», «Сарвиноз», «Лақай йиғлаш», «Омонниёз жуғи куйи», «Алим бахшининг дўмбирани синаш нағмаси».

6.Қадимий уруғ ёки қабила номи билан боғлиқ куйлар «Зомбири», «Қора кўнғирот», «Кўнғироти», «Лақайи».

Ҳайим бахши дoston ва термаларга кириш (айтиш)дан аввал «Созми носоз», «Алим бахшининг дўмбирасини синаш нағмаси» ва «Сен айрилдинг, мен ҳам сендан айрилдим» куйларини, албатта чертиб кўриш шарт деб биларди ва ўзи бунга риоя қиларди. Агар соз ҳар уч нағмага юрса, бахши учта бир-биридан кескин фарқланадиган куйларни ижро эта олсагина, дoston матнида соз ва сўз мослигига эришилар экан. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Устоз-шогирдчиликнинг дастлабки шarti шундаки, устоз тингловчилар орасида эътибор қозонган бўлиши, шогирд эса соз-дўмбирани черта олиши, термалар айта билиши, эшитганини хотирасида тез ва мустаҳкам сақлаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Устоз бахши умр бўйи шогирдлар тайёрлайди. Шогирд тайёрлаш бахшининг саховати, билим даражаси, соз ва сўздаги шуҳратига боғлиқ. Жанубий Ўзбекистонда Шерна бахши, Қодир бахши ва Қаҳҳор бахшидан кўп шогирд тайёрлаган устоз йўқ.

Шогирд маълум муддат икки-уч, баъзан 4-5 йилгача устоз уйида ёки унга яқин жойда яшаб, устознинг соз чертиши, дoston ижро этиши, устоз репертуаридаги дostonлари ўрганилган. Устозлик амалий асосда давом этган. Шогирд устозга кўшилиб, тўй-томошаларга, давраларга борган ва устоз бахши чарчаганда созини чертиб, гоҳо сўзини давом эттириб, секин-секин йўлга тушиб борган<sup>20</sup>.

Жанубий Ўзбекистон бахшиларининг талантли шогирдлар тайёрлаш билан бирга, фарзанд туғилганидаёқ уларга ўз касбини, ҳунарини юктиришга, мерос қолдиришга интилиши дostonчиликда оилавий шажарани сақлаб келди.

Машҳур Шерна шоир давридан шогирдларни синаб, унга дуо бериш анъанаси ҳозиргача мавжуд. Дуо беришдан олдин устоз зиёфат уюштириб даврада шогирдни синаб кўраркан. Синов дostonи эса ўргатилмаган, бирон марта эслатилмаган бўлиб, у «Олланазар Олчинбек» деб юритилган. Устоз шогирдга синов пайти фақат шу дostonдан вазифа, топшириқ берган. Яъни Олланазарнинг от эгарлашини, ё Олланазарнинг сафар кетишини, ёхуд Олланазарга она насихатини айтишни сўраган. Фаросатли, дидли, эътиборли, зукко шогирдларгина устозига: «Бу дostonни ўргатмагансиз ёки билмайман», – демаган. Ўрганган дostonларидан шундай эпик ўринларни танлаб, ўзга эпик қаҳрамонга хос ҳолатни, воқеани Олланазарга нисбат бериб айтаверган. Шу шартни бажарган шогирдгагина мустақил дostonчи сифатида дуо берилган.

Халқнинг қадимий дostonчилик санъатига «Олланазар Олчинбек» дostonининг кўп ижро этилмаслиги, парчалар куйлангани ҳолда тўлиқ

<sup>20</sup> Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Эпос. – С.35-38. Мирзаев Т. Эпик репертуар. – Б.28-38.

айтилмаслиги, бизнингча, воқеаларнинг эпик тарзда шоду хуррамлик ва тўй-томоша билан яқунланмаслигидадир.

Аслида бахшичиликни давом эттирувчилар ҳам халқдан, ҳам устоздан, ҳам ўқиган китобидан сабоқ олувчилардир. Худди шу йўлдан бориб, репертуарини бойитган Қодир бахши бобоси, тоғалари, устозидангина эмас, балки Жанубий Ўзбекистонда яшаган Мардонақул Авлиёқул ўғли, Нормурод Шердан ўғли, Бўрибой Аҳмедов, Юсуф қори Ўтаган ўғли, Эшқобил бахши Кўшоқ ўғли, Тошмурод бахши Тўра ўғли, Чори Қиём ўғли, Чоршанби Раҳматуллаев, Хушвақт Мардонақуловлар кабиларнинг соз чертиши, дoston ижро этишини синчиклаб ўрганди.

Иккинчи томонидан, Фозил шоир, Ислom шоир, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул каби Самарқанд дostonчиларидан ёзиб олиниб нашр этилган асарларни ўқиб, ўз репертуарини бойитди. Масалан, Шеробод поэтик мактаби дostonчилари репертуарида «Кунтуғмиш» дostonи бўлмаган. Уни Қодир бахши ўқиб ўзлаштирган. Қодир бахши бу дostonни яна ёзишга, ёздиришга қарши эди. «Уни ёзиш бефойда, чунки ҳеч ким Эргаш бобо даражасида айта олмайди», – деб баҳолар эди.

Фольклоршунос Тўра Мирзаевнинг таъкидлашича, Эргаш Жуманбулбул ўғли «Якка Аҳмад» ва «Қиронхон» дostonлари (бу дostonлар жанр ва мазмун жиҳатга бир-биридан жиддий фарқ қилишига эътибор қилинг) ўргатилса, бахши ўз йўлини топиб кетади деб ҳисоблар, шунинг учун ўз шогирдларига дастлаб ана шу дostonларни ўргатар экан. Қодир бахши эса «Алпомиш» ва «Кунтуғмиш» дostonини ёд билган, яхши айта оладиган бахши бошқа дostonларни қийналмай ўзлаштиради деб билар эди У Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуарини, айтиш усулларини, йўлларини ўзида синтезлади, десак янглишмаймиз. Ҳатто Хоразм усулини ҳам қўллашга йўл топди.

Айни пайтда Қодир бахши Раҳим ўғли атрофида Хушвақт Мардонақулов, Чоршанби Раҳматуллаев, Қора ва Чори Умировлар, Қаҳҳор Қодир ўғли, Шоберди Болтаев, Ҳожимурод Тожимуродов, Шодмон бахши, Боборайим Маматмуродов ва ёшларнинг бирлашиши Шеробод дostonчилик мактаби таъсир доирасини янада кенгайтди. Сўнгги вакилларигина қолган Бойсун, Қамай, Чироқчи дostonчилик мактабининг бахшилари, ҳаваскор ижодкорлари Қодир бахши, Хушвақт бахши, Шоберди Болтаевнинг айтиш усулига, овозига тақлид қила бошлади ва бу ўз-ўзидан уларни ўзлари мансуб поэтик мактаб анъаналари ўрнига синтезлашган Шеробод поэтик мактаби анъаналарини ўзлаштиришга олиб келди.

Жанубий Ўзбекистон бахшиларидан ёзиб олинган дostonларда ҳам наср ва назм мутаносиблиги сақланади. Аммо айтиш мумкинки, прозаик қисм анъанавий тарзда бўлиб, назм вазн ўзгаришларига учраган. Бу бандларнинг ташкил бўлишида, қофияланишида, вазнларнинг чўзиқлигида, қофияланиш системаси кабиларда кўринади.

Атоқли фольклоршунос В.М.Жирмунский туркий халқлар эпик поэзияси ўзининг хусусиятлари жиҳатдан иккига бўлинишини, яъни беш-саккиз бўғинли қисқа эпик шеър, **тўққиз-ўн икки** бўғинли узун вазнли эпик шеър

деб кўрсатади.<sup>21</sup> Шу хусусият Қодир бахши Раҳимов ва Қора бахши Умиров ижро этган дostonларда сақланган. Бироқ Чоршанби бахши Раҳматуллаев, Чори бахши Умиров, Қахҳор бахши Қодир ўғилларида вазннинг узун-қисқалигида эмас, балки бандларнинг ташкил бўлишида ҳам катта ўзгаришлар мавжуд.

Аваз ўлди, ғариб бўлди, бир пас тўхтанг, турналар,  
Олтин эди, чўян бўлди, қулоқ солинг, турналар.  
Қиммат эди арзон бўлди, дунё ўтди, турналар,  
Ора чўлда Аваз полвон ётибди денг Султонга,  
Қўл кўтариб қолди денглар, оғаларим, турналар.<sup>22</sup>

Бу ерда банднинг беш сатрдан ташкил этилиши, ўн беш бўғинли вазннинг қўлланиши ҳам ғамгин кайфият, оғир руҳий ҳолат тасвирининг тўртликка сиғмаганлигидадир. Қахҳор бахши ва Қодир бахшида бешлик, олтилик бандларни тузиш шундай оғир пайтлардагина рўй беради.

Чори бахши ва Чоршанби бахшиларда анъанавий тўрт мисралик бандлар ўрнини тўлиқ бешлик, олтилик, еттилик, саккизлик ва ўнлик бандларга бўшатиб беради.

Шеърый сатрларда барқарор стилистик формулаларнинг қўлланиши ҳар бахшида турлича бўлиб, бу уларнинг маҳорати, иқтидори билан белгиланади. Улар меъёрда қўлланганда дostonнинг бадий қувватини кучайтиради, аммо такрор-такрор қўллавериш, ўринли-ўринсиз ишлатиш назмий бандларни ташкил этишда бахшининг ҳафиза қуввати етишмаётганини билдиради. Барқарор анъанавий мисралардан энг кўп учрайдигани «Ой нечага, нечага, Қаранг, қоронғу кечага», «Баланд товларда бўқтар қор», «Ҳолсираб лаби қотади», «Очилган боғда гулимди», «Тоғ бошин туман чалади», «Бўқадай отни сурганим», «Осмон аёздир, юлдуз кўк, Мерган тирданга солиб ўк», «Осмонда учган қалдирғоч, учганда қаноти қийғоч», «Булбул қушларининг чечаси, оқ совут туннинг жоғаси», «У тобалардан бу тобам, бу дардимга борми давом», «Қазо етмай қашқа чивин ўлмайдди, Баҳор келса очилган гул сўлмайдди», «Мард йигитнинг аввал бўлсин тоғаси», «Бефарзанднинг кўрган уни вой бўлар», «Селдай бўлиб кўзда ёши тўкилар» кабилардир.

Анъанавий мисраларни энг кам қўллаш Қодир бахши ва Қахҳор бахшилардадир. Улар ҳар бир назмий монолог ёхуд диалогни анъанавий мисра билан эмас, балки насихат, маслаҳат тарзида панднома билан бошланишига эътибор беради.

Мулкин кўриб олмоқ керак бўзини,  
Энасини кўриб ол дер қизини,  
Бу сўзларнинг мағзини чақиб ол,  
Икки қиб бўлмайдди доно сўзини<sup>23</sup>

<sup>21</sup> Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974, -С.651.

<sup>22</sup> Қахҳор бахши Қодир ўғли. Малла савдогар. Қўлёзма. Қарши ДУ фольклор лабораторияси архивида

<sup>23</sup> Қахҳор бахши Раҳимов. Ғуппоной. Ўз Р ФА собиқ Қўлёзмалар институти. инв, – № 770.

«Маълумки, ҳаёт гўзалликлари адабиёт ва санъатнинг ҳар бир тури, ҳар бир жанрида, ўзига хос кўринишда акс этади... Инсон табиатнинг ўзида шу гўзал ҳодиса ва воқеаларни ҳис қилишга қадар унинг ҳиссиёт олами орқали табиат гўзаллиги инсон ҳаётига киради. Демак, улар инсон борлиғи ва ҳаёти билан алоқадор»<sup>24</sup>. Инсон борлиғи ва ҳаёти билан табиатнинг алоқаси, яхлитлиги, айниқса, дostonларда кучли акс этган. Қашқадарё-Сурхондарё дostonларида инсон ва табиат бир-бирига ҳамкор, бир-бирига ғамхўр тарзида бериледи.

Томирим тортиб борар,  
Туймачам туртиб борар,  
Зебо садоқатига,  
Ҳавасим ортиб борар.<sup>25</sup>

Бу қоқигулнинг Зебога, унинг садоқатига айтилган содда, аммо бадий теран, мазмунан бой тарздаги мадҳияси, нияти. Тўртликда қоқигул томирининг тортиб бориши ва тугмачасининг туртиб боришида биз англагандан кўра кенг маъно бор. Нозиклик шундаки, қоқигул ҳам эндигина ўсиб чиққан эмас, балки тугмачаси туртиб, уруғ қолдиришга вақт яқинлашган. Инсон, ошиқ-маъшуқ Ёзи билан Зебо ишқи, бир-бирига садоқати билан ўсимликлардаги «муҳаббат»ни бу даражада уйғунлаштириб юбориш фалсафасига фақат буюк халқ ва унинг иқтидорли бахшиси муяссар бўла олади.

Эпик қаҳрамон шодлигу қувончи билан қайғу-ю алам, омад-омадсизлик, бахт туйғуларини табиат фонида бериш, дostonларда бош планда туради.

Табиатдаги от, бўри, ит каби ҳайвонлар, сув, тупроқ, олов, дарахт каби айрим предметлар «культ» сифатида эпосда сақланиб қолган.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилари репертуарига назар ташланса, «Алпомиш» дostonининг иккинчи қисми, «Келиной», «Гўрўғли» туркуми дostonлари жуда кенг тарқалганини ва қатор тарихий дostonларни кўриш мумкин. Айниқса, Гўрўғли билан боғлиқ, унинг шажарасини кўрсатувчи дostonлар жуда кўп. Гўрўғлининг иккинчи асранди фарзанди Аваз ва унинг ўғиллари Нурали, Шерали, Амирқул, набираси Жаҳонгир тўғрисидаги дostonлар машҳурдир.

Жанубий Ўзбекистонда ҳозирги вақтда шу ҳудудга хос дostonларни билувчилар, билганини эпик анъана қонуниятлари доирасида ижро этувчилар жуда кам қолмоқда. Бу «Алпомиш» мисолида ҳам кўринади.

Бахшичилик санъатининг ҳозирги мухлислари ҳам ҳақиқий эпосни тинглаш ва баҳолаш қобилиятига эга эмаслар.

Қаҳрамонлик, ишқий-романик ва ўзга дostonларни аралашган ҳолда бахшилар репертуарида учраши умумий характер касб этиб, ижрода фарқламаслик, давра аҳли талабига кўра айтавериш Жанубий Ўзбекистон бахшиларининг кўпчилигига хос бўлиб бормоқда. Шунга қарамай бахшининг

<sup>24</sup> Қўшжонов М. Адабиётда эстетик категориялар // Ижод масъулияти. – Т., 1981. – Б.316-317.

<sup>25</sup> Ёзи билан Зебо. Айтувчилар ота-бола бахшилар Қодир ва Қахҳор Раҳимов.



ўз қобилиятига, маромига етказиб куйлай олишига кўра севимли дostonлари бўлади. Хушвақт бахши Авазни кул, бадрак<sup>26</sup> деб камситиб куйлайди. “Нега Авазни камситасиз?”-деб сўрасак, “Бир ишни ўзи ҳал эта олмайди, изидан ишқал чиқариб юради”,-деб баҳолайди Хушвақт Мардонақулов. Қодир бахши эса: “Аваз Гўрўғлига ўз ўғлидан зиёд хизмат қилади, ҳамиша Гўрўғлининг ори учун курашади”,-деб ҳисоблайди.

Дostonларда халқ урф-одатларининг, расм-русумларининг, халқ одобномасининг алоҳида кенг ишланган.

Ҳозирча куйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактаблари умумўзбек дostonчилигининг ажралмас бир қисми сифатида ижро усулида, репертуарда, анъананинг давомийлигида, бадийликда, ғоявий мотивларда қатор умумийликларга эга.

2. Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида умумўзбек эпосига хос жиҳатлар билан бирга куйидагича ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

а) дostonчиликнинг ажралмас бир қисми сифатида дўмбира куйларига алоҳида аҳамият бериш;

б) бахшининг сози ва овозини дўмбирада 2-3 нағма чалиш, терма, бирор дostonдан парча айтдириш билан синайдилар;

в) бахшилар репертуарида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон» туркумларини тўлдирувчи, ўзга ҳудудларда учрамайдиган ўнлаб анъанавий дostonлар билан бир қаторда Амир Темур ҳақида биографик ва наслий туркум дostonлари мавжуд. Шунингдек, Алишер Навоий, Яссавий, Махтумқули, Қодир бахши ҳақида тарихий дostonлар ҳам ёзиб олинган;

г) икки воҳадаги поэтик мактабларнинг ўзаро алоқаси кучли бўлиб, дostonларнинг тарқалиш доираси ўзга ҳудудлардагига кўра кенгдир;

д) бу воҳада «Ёзи билан Зебо», «Келиной» дostonининг тўлиқ шаклланиши ва ёзиб олиниши; «Олланазар Олчинбек», «Бахши», «Гулах», «Ота-она дуоси», «Қирқ қасамёд» сингари ахлоқий мавзуда дostonлар мавжудлиги тадқиқотлар учун янги имкониятлар беради;

е) ўзгаришларга учраган бўлса-да, устоз-шогирдчилик анъанаси бир мунча сақланган, тингловчи-аудитория қисман бор ва шулар эпик анъанани жонли жараёнда давом этишини таъминлаб турибди.

3. Башилар репертуаридан ўзга поэтик мактаб вакиллари ижодидан чоп қилинган дostonларни ўқиш орқали «Кунтуғмиш», «Ҳасанхон», «Равшан», «Мурадхон», «Маликаи айёр» каби дostonлар ўрин ҳам олган.

Гарчи дoston куйлаш ҳозирда жонли жараёнда давом этаётган бўлса-да, бадиҳагўй бахшиларнинг камайиб кетаётгани, устоз-шогирдчилик анъанасининг бузилиши, ёшларнинг дostonлар матнини қисқартириб, бузиб айтиши, ижро этиши, фольклор танқидчилигининг йўқлиги, сохта бахшиларнинг кўпайиб кетиши сўниш жараёнини тезлаштирмоқда.

<sup>26</sup> Бадрок сўзини батрак билан мазмунан алоқаси йўқ. Аваз батракнинг ўғли ҳам, батрак ҳам эмас, балки бадрок-дир. Аслида қовуннинг ёввойи, уруғдан айниган турини, аслидан узоқлашган хилини бадрок дейди. Демак, эпосда Аҳмад Авазни ўз уруғи (авлоди)дан четда турадиган келгинди, Гўрўғлига алоқаси бўлмаган йигит сифатида ҳақоратлайди. Шу боис айрим нашрларда бадрокнинг батрак тарзида берилиши хато дир. (А.Э.)

**«Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилигида туркумлик ва тасниф»** деб номланган учинчи бобда шу ҳудудда кенг тарқалган ёки фақат Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуаридагина бўлган «Гўрўғли» силсиласига доир дostonларнинг айримлари ғоявий йўналиши, бадиияти тўғрисида атрофлича фикр юритилади.

Ўзбек фольклоршунослигида дostonларни туркумлаш ва таснифлаш соҳасида қатор ишлар қилинган<sup>27</sup> ва назарий жиҳатдан бу масалага қайтиш шарт эмас. Аммо фольклоршунослик соҳасида қилинган кейинги изланишлар, тўпланган материаллар, тадқиқотлар, шунингдек, маълум бир ҳудуд дostonчилари репертуарини бошқа дostonчилик мактаблари вакилларига қиёсий ўрганиш, ўзига хослигини кўрсатиш учун ҳам бу мавзуга тўхталишни лозим деб биламиз.

Профессор М. Саидов эпик қаҳрамон Гўрўғли билан боғлиқ дostonларни катта туркум дегани ҳолда, катта туркум ичида бир неча кичик биографик туркум борлигини қўйидагича кўрсатади: а) «Гўрўғли» кичик биографик туркумлиги; б) Авазхон кичик биографик туркумлиги; в) «Ҳасанхон» кичик биографик туркумлиги.<sup>28</sup>

Фольклоршунос М.Мирзаева эса 4 га: а) «Гўрўғли» кичик туркуми; б) «Авазхон» билан «Ҳасанхон» кичик туркуми; в) «Нурали» ва «Равшан» кичик туркуми; г) «Жаҳонгир» дostonига ажратади.<sup>29</sup> Бу таснифлар ўзбек фольклоршунослигига сўнги қирқ йилда маълум бўлган Гўрўғли билан боғлиқ дostonларни туркумлаш учун етарли бўлмай қолди. Шу сабабли, бизнингча, «Гўрўғли» билан боғлиқ дostonларни туркумлашда яна бир сўзни истемолга киритишимиз лозим. Бу туркум сўзи билан маъноси яқин бўлиб, гоҳида қўлланилаётган, тилимизда мавжуд бўлган силсила сўзидир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Силсила» /а/ маълум тартибда кетма-кет тузилган нарсалар ёки ҳодисалар, ёки бирин-кетин юз берадиган ҳодисалар занжири, тизмаси»<sup>30</sup> деган маънони англатиши айтилган. Агар шу маъноли силсила сўзини адабий термин сифатида ҳам қабул қилсак, «Гўрўғли» катта туркум дostonлари эмас, «Гўрўғли» силсила дostonлари деб бемалол айтаверамиз. Чунки биргина Гўрўғли ҳақида эмас, Авазхон, Нурали, Шерали тўғрисидаги дostonлар ҳам Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигида ички бўлинишларга эга туркум сифатида ўрин эгаллайди. «Гўрўғли» силсила дostonлари дейилганда, Гўрўғлининг ўзи, асранда ўғиллари Ҳасанхон ва Аваз, неваралари Нурали, Шерали, Амиркул, Равшан, чевараси Жаҳонгир ҳамда 40 йигити ҳақидаги барча дostonлар тизмасини, занжирини назарда тутамиз. Бу сўзни истемолга киритганда, «Гўрўғли» катта туркуми»,

<sup>27</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос...с.59-60.; Мирзаев Т. Алпомиш дostonининг ўзбек вариантлари. -Т.: Фан, 1968.; Эпос и сказатель. - Т.: Фан, 2008.; Халқ бахшиларининг эпик репертуари. - Т.:Фан, 1979.; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадиий маҳорат, - Т., 1969. - Б.30-61,110.; Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорида эпик жанрлар, - Т.: Фан, 1981. - Б.14.; Мурадов М. Эпос Гор-оглы соқровишница души и чайний народа. - Т., 1990.; Мирзаева М. Халқ дostonларида туркумлик масаласи // Ўзбек халқ ижоди. - Т. 1967. - Б.59-65.; М.Обидова «Рустам» туркумидаги дostonлар, - Т., 1982. - Б.11-62.

<sup>28</sup> Саидов М. Кўрсатилган асар, - Б.11.

<sup>29</sup> Мирзаева М. Кўрсатилган асар, - Б.65.

<sup>30</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Т.2. - М., 1981. - Б.48.

«Гўрўғли» кичик туркуми», «Авазхон» катта туркуми», «Авазхон» кичик туркуми» деб бўлишга ҳожат қолмайди. Гўрўғли, Аваз ёхуд Нурали ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ дostonлар жами тўғридан тўғри: а) Гўрўғли туркуми; б) Аваз туркуми; в) Нурали туркуми; г) Шерали туркуми номи билан аталаверади.

Кейинги бўлиниш ҳар бир эпик қаҳрамоннинг биографиясига, наслий шажарасига, яшаш ва таъсир қилиш ҳудудига кўра: а) биографик; б) наслий; в) жуғрофий туркум деб номланади. Кейинги йиллардаги кузатишлар, тўпланган манбалар, ёзиб олинган материаллар, матнларни ҳисобга олган ҳолда эпик қаҳрамон Гўрўғли, эпик от Ғирот, эпик юрт Чамбил, умуман уларнинг бирортаси билан боғлиқ дostonларнинг жамини Гўрўғли силсила дostonлари ташкил этади. «Гўрўғли» силсиласига доир дostonларнинг 120 та дейилишига асослар бор. Жумладан, фольклоршунос Т.Мирзаевнинг ўзи бу силсилага доир 100 дostonни аниқлаб тартиб берган<sup>31</sup>. Кейинги йилларда аниқланган ва ёзиб олинган “Қайсар дев”, “Қораман ва Оламан”, “Қирқ қасамёд”, “Нурали ва беш юз мулла бачча”, “Шерюрак”, “Қайтмас” дostonларини кўшсак, ҳамда, “Таркибадахшон” дostonи “Маликаи айёр” дostonининг варианты эмас, алоҳида дostonлигини ҳисобга олсак, “Гўрўғли” силсила дostonларидан ҳозиргача 107таси аниқланган бўлади.

Эпик қаҳрамон Гўрўғлихоннинг ҳаёти фаолиятини ёритувчи 40 та, асранди ўғиллари Ҳасанхон, Авазхон, неварачеваралари ҳақида қирқ, 40 йигити ҳақида 40 та дoston бор дейилади. Ана шу дostonларнинг жамини Гўрўғли силсила дostonлари деб атаган ҳолда кўйидагича туркумлашни лозим топдик.

«Гўрўғли» биографик туркуми; «Гўрўғли» наслий туркуми.

Биринчи турга «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг ёшлиги», «Қирқ қасамёд» «Зайдиной», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Ҳасанхон», «Авазнинг олиб келиниши», «Шаҳиднома», «Ғойибнома» каби дostonлар киради ва уларда бевоста Гўрўғли ҳаёти, қаҳрамонлиги билан боғлиқ воқеалар тасвирланади.

Жанубий Ўзбекистонда энг кўп тарқалган дostonлар Гўрўғли наслий туркумига мансубдир. Шу сабабли ҳам бу туркумни 10 га бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: 1.Авазхон биографик туркуми. 2.Авазхон наслий туркуми. 3.Ҳасанхон биографик туркуми. 4.Ҳасанхон наслий туркуми. 5.Нурали биографик туркуми. 6.Нурали наслий туркуми. 7.Шерали биографик туркуми. 8.Амирқул. 9.Равшан. 10.Жаҳонгир.

«Авазхон» ва «Ҳасанхон» наслий туркум дostonлари, бош эпик қаҳрамон Гўрўғлининг невараси ва эвараси ҳақида кўйидаги туркумларни ўз ичига олади. 1.Нурали биографик туркуми. 2.Нурали наслий туркуми. 3.Равшан. 4.Шерали биографик туркуми. 5.Амирқул. 6.Жаҳонгир.

Қашқадарё-Сурхондарё вилоятлари бахшилар репертуарида юқорида таъкидлаганимиз Гўрўғли силсила дostonларига кирувчи туркум дostonлардан ташқари «Алпомиш», «Барчин Бекач», «Ёдгор», «Шомурод»

<sup>31</sup> Мирзаев Т. Халқимиз севиб ўқиган китоб // Ҳикояти Гўрўғли султон. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2013. – Б.172-182

достонларидан иборат «Алпомиш» туркуми; Аваз болаларининг сотилиши билан боғлиқ «Малла савдогар»; «Орзигул» «Дилмурод» достонидан ташкил топган «Орзигул» каби туркумлар ҳам мавжуддир.

Ўзбек достончилигида достонлар бир неча бор тасниф қилинган. Таснифларни муҳокама ёки таҳлил қилиш фикридан йироқмиз. Фақат ҳозиргача ёзиб олинган халқ достонларининг барчаси учун бу таснифлар доираси етарли эмас деб ўйлаймиз. Фикримиз, далили сифатида «Олланазар Олчинбек», «Бахши», «Гулах» «Ота-она дуоси», «Қирқ қасамёд» достонларини келтирамиз. «Олланазар Олчинбек» достонида бахшичилик санъати, бахшининг имон-этиқоди каби соф ахлоқий мавзу акс эттирилган.

Бизнингча, Қашқадарё-Сурхондарё бахшилари репертуаридаги достонларни турлари қуйидагича таснифлаш лозим: 1.Қаҳрамонлик достонлари. 2.Ишқий-романик достонлар. 3.Жангнома достонлар. 4.Тарихий достонлар. 5.Китобий достонлар. 6.Ахлоқий достонлар<sup>32</sup>.

Ушбу бобда биргина «Нурали» туркумидаги ишқий-романик достонлар доирасида фикр юритишни лозим топдик.

Авазхон наслий туркумига кирувчи «Нурали» биографик туркумини ташкил этувчи достонларнинг дастлабки намунаси 1945 йил Омонниёз Оллобердиевдан ёзиб олинган. «Нурали» достонининг мавжуд эканлиги эса илк бор фольклоршунос Ҳ.Зарифов, кейинчалик издошлари ва шогирдлари эътироф этадилар ва дастлабки илмий фикрларини баён қиладилар.<sup>33</sup> «Нурали» туркуми достонлари ҳақида биринчи бўлиб фольклоршунос Қ.Мамашукуров «Нурали» туркуми достонларининг ғоявий-бадий асослари<sup>34</sup> номли диссертациясида достоннинг 20 га яқин вариантларини таҳлил қилади.

«Авазхон» наслий туркумига «Нуралининг туғилиши», «Нуралининг ёшлиги», «Нурали ва беш юз мулла бачча», «Жорхун мастон», «Ойсанам», «Малла савдогар», «Нуралининг Авазни қутқариши», «Нурали ва Семурғ», «Зулфиддин», «Амирқул», «Шерали», «Шералининг банди бўлиши», «Жаҳонгир» каби достонлар киради.

«Авазхон» наслий туркумига кирувчи Авазнинг катта ўгли Нуралининг ҳаёти, кураши, биографияси ва характери хусусиятларини белгиловчи достонларни тўрт турга бўлиб таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

1. Нуралининг туғилиши, болалиги, ўқиш йилларига оид достонлар. («Нуралининг туғилиши», «Нуралининг ёшлиги», «Нурали ва беш юз мулла бачча», «Тўққиз юз кун тўй» каби достонлар ҳамда «Малла савдогар» номидаги кичик туркум).

<sup>32</sup> Дастлабки беш тур тасниф фольклоршунослар Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовга тааллуқли бўлиб, биз ҳам уни тўғри деб билган ҳолда, олтинчи турни қўшиш лозимлигини Қашқадарё-Сурхондарё поэтик мактаблари вакилларида ёзиб олинган ўнга яқин достон тақозо этади деб ўйлаймиз. Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорида эпик жанрлар. – Т.: Фан, 1981. – Б.14-24.

<sup>33</sup> Зарифов Ҳ. Эргаш Жуманбулбулнинг «Равшан» достонига ёзилган сўз боши // Равшан. – Т.: Фан, 1941.; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. с.265-270.

<sup>34</sup> Мамашукуров К. Идеино-художественну особенности цикла дастанов «Нурали», Автореф. канд. филол. наук. – Т., 1985.

2. Нуралининг ўсмирлик йилларига оид дostonлар («Ойсанам», «Сулувхон», «Нуралининг ютилиши», «Жорхун мастон», «Сув париси»).

3. Нуралининг йигитлик, балоғатга етиб уйланиши, фарзанд кўришига доир дostonлар («Гуппоной», «Нурали ва Семурғ»).

4. Бош қаҳрамон Нуралининг Гўрўғли, Аваз сулоласининг муносиб вориси, эпик ҳукмдор эканини кўрсатувчи дostonлар («Шерали», «Жаҳонгир», «Амирқул», «Нуралининг Авазни қутқариши», «Шералининг банди бўлиши»).

«Авазхон» наслий туркуми дostonларидан «Нурали» биогаффик туркум ҳақида фикр юритар эканмиз, таҳлил объекти қилиб Қодир бахши Раҳимов, ака-ука Қора ва Чори бахши Умиров, Чоршанби бахши Раҳматуллаев, Қаҳҳор бахши Қодир ўғли ҳамда қисман Хушвақт бахши репертуаридаги шу мавзуга доир дostonларни танладик. Бунинг маълум сабаблари бор.

**Биринчидан**, номи қайд этилган бахшилар репертуаридаги, «Нурали» туркуми дostonларининг ҳали ҳеч бири алоҳида илмий таҳлил объекти сифатида олинмаган.

**Иккинчидан**, худди шу дostonчилар Қашқадарё ва Сурхондарё дostonчилигининг бугунги кундаги устоз кўрган барҳаёт давомчилари ва шогирд тайёрлаётган мураббий бахшилардир.

**Учинчидан**, биз таҳлилга олаётган дostonлар амалий фольклоршунослик талабларига яқин тарзда ёзиб олинган.

**Тўртинчидан**, «Нурали» туркуми халқимизнинг ўз шажарасини узлуксиз давом эттириш ғоясини ифодалайди, аجدодлар ва авлодлар орасидаги боғланишни акс эттиради.

Авазхон наслий туркуми дostonлари асосий ғоявий йўналишлари ҳақида фикр юритар эканмиз Чори бахши Умировдан ёзиб олинган «Таркибадахшон»<sup>35</sup> дostonини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу асар Гўрўғли силсила дostonларининг изчиллиги, ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини кўрсатади.

«Нурали» биогаффик туркумидаги дostonларнинг иккинчи турида халқ орзусида камол топаётган ёш эпик қаҳрамон ҳаётининг тўққиз ёшидан ўн тўрт ёшигача бўлган давридаги фаолияти кўрсатилади. Бўлғуси қаҳрамон ўқиб, илм ўрганиб, ҳарбий машқларни бажариб, ўзини келажакка тайёрлайди. Бу типдаги дostonларга Қодир бахши Раҳимовдан ёзиб олинган «Нурали ва беш юз мулла бачча», «Жорхун мастон», Эшқобил Қўшоқ ўғлининг «Ойсанам», Хушвақт бахшининг «Сулувхон», «Сув париси», Чоршанби бахшининг «Тўққиз юз кун тўй», Бўри Аҳмедовнинг «Нуралининг ютилиши»ни киритиш мумкин.

Хушвақт бахшининг «Сулувхон»,<sup>36</sup> Бўри бахшининг «Нуралининг ютилиш»<sup>37</sup> дostonларида Туб шаҳрининг подшоси Сулувхон аслида Гўрўғлидан ўзини душманлардан ҳимоя қилишини сўраб боради ва отини бозорга солади. Сулувхоннинг отига меҳри тушган Аваз у билан баҳслашиб

<sup>35</sup> Чори бахши Умиров. Таркибадахшон. ЗУФА, инв – № 1816.

<sup>36</sup> Хушвақт бахши Мардонақулов. Сулувхон. Қўлёзма муаллифда.

<sup>37</sup> Бўри бахши Аҳмедов. Нуралининг ютилиши // Нурали, – Т., 1989. – Б.217-294.

қолади. Шу баҳс туфайли Сулувхон ягона қизи Зулфизарни, Аваз ўғли Нуралини ўртага қўйиб пойга қилишади. Сулувхон ғалаба қилади. Аммо маълум вақтдан сўнг Сулувхон Нуралини ўзи қайтариб олиб келса, «Ойсанам» достонида Аваз бориб олиб келади.

Нурали ҳақида дostonларда шартнинг айнан Нуралига бориб тақалиши қуйидагилар билан асосланиши даркор:

**Биринчидан**, фарзанд-ворис ва келажак. Ота-она учун ҳаётда фарзанддан муқаддас ҳеч нарса йўқ. Нуралини ютиш шу маънодаки, Гўрўғли силсиласидаги ворисни қўлга киритиб, зўрман деганларга таъсирини ўтказишдир.

**Иккинчидан**, эпос яратилган даврдаги эътиқодга кўра мамлакатни бошқариш учун йигит, йигит бўлганда ҳам алп йигит, юртни, элни душманлардан сақлайдиган қаҳрамон йигит керак. Тақдирида, ўғил бўлмагандан кейин, яхши куёв ҳам ўғил деган ишончга кўра Сулувхон қизига куёв ахтармоқда. Булар айнан Нуралига кўз тутиш боиси, у шерлар, зўрлар авлодидан, ер ости-ю устида душман додини берган Гўрўғлининг набираси, Авазхоннинг ўғли. Демак, пойгага Нуралининг шарт қилиб қўйилишидан бош мақсад уни куёв қилиб тахтга ворис топиш.

**Учинчидан**, Сулувхон ҳам, Ойсулув ҳам ўз отларининг Ғиротдан ўтишини аниқ билади, шу сабабли мерганлик ёхуд кураш шартини эмас, пойгани танлайди. Улар Нуралини ютиб, ютукни қайтарган тақдирда ҳам Гўрўғли ва Авазни бир умр миннатдор қилган ҳолда Чамбил билан мустаҳкам алоқа боғлайди.

**Тўртинчидан**, Авазнинг пойгада мағлуб бўлишига ҳам, қисман бўлса-да, ўзига ортиқча ишониш сабабдир. Эпос анъанаси эса заррача манманликни ҳам қоралайди. Эслаб кўрсак, Гўрўғли силсиласига кирувчи барча дostonларда Гўрўғли, Аваз ёхуд Нурали душман қўшини кўплигидан ёхуд зўрлигидан эмас, балки қалбларида пайдо бўлган кибр-ҳаво туфайли ярадор бўлади ёки асирга олиниб, зиндонга солинади.

**Бешинчидан**, Ғиротнинг орқада қолиш сабаблари ҳам ҳаётдаги авлодлар келиб-кетиши, кекса авлод ўрнига ёшроғининг юзага чиқиши ёки қариндош-уруғчиликнинг бироз рамзий тасвири билан боғланади. Гўрўғли кексайиб, ўрнига Аваз майдонга чиқмоқда. Тенгсиз тулпор Ғирот ҳам ўз ўрнини бошқа тулпорларга бермоғи лозим.

«Нурали» туркумидаги иккинчи тур дostonлар орасида Қодир бахши вариантидаги икки дoston ғоявий-бадий теранлиги билан бошқа ҳамма вариантлардан устун туради. Бу «Нурали ва беш юз мулла бачча»<sup>38</sup> ҳамда «Жорхун мастон»<sup>39</sup> дostonларидир.

Авазхон наслий туркумига доир «Нуралининг Авазни қутқозиши», «Шерали», «Жаҳонгир», «Амирқул», «Шералининг банди бўлиши» дostonлари «Гўрўғли» биографик туркумининг тўртинчи турини ташкил этади. Нурали энди ёлғиз ўзининг эмас, фарзандларининг, элу халқининг

<sup>38</sup> Нурали ва беш юз мулла бачча. Айтувчи Қодир бахши Раҳимов. Магнитофон ёзуви. Қарши ДУ фольклор лабораторияси архиви.

<sup>39</sup> Жорхун мастон // Нурали, – Т., 1989. – Б.45-117.

дарди учун курашувчи, ёв билан жангда тенгсиз паҳлавон сифатидаги фаол эпик қаҳрамон даражасига кўтарилади. Ҳатто, у отаси Авазни ҳам душманлар кўлидан қутқазади.

«Таркибадахшон» достонида Авазнинг иккинчи бор уйлангани маълум қилинган эди. Авазнинг иккинчи ўғли ҳақидаги «Шерали» достони шу нуқтада Гўрўғли силсила дostonлари билан боғланади. «Шерали»<sup>40</sup> достонининг «Гўрўғли» силсиласига кирувчи дostonлардан фарқи шундаки, асосий воқеалар Чамбилда эмас, Кўктош мамлакатида Саидхон подшо ҳукмронлигида кечади. Шералининг мард ва жасур бўлиб вояга етишига Саидхон алоҳида эътибор беради.

Ошиқ ўйнаётган Шерали кўлидан отилган соққанинг бир момо чархини синдиришидек анъанавий мотиви воқеаларнинг ривожига бурилиш ҳосил қилади. Чамбил-Гўрўғли-Аваз тўғрисида фикрлар сюжет чизигида кўрина боради. Шерали Чамбил сафарига отланади.

Тунда Мозондара деган дарада олов ёнаётганини кўрган Шерали бир ёндан, Нурали иккинчи ёндан «Бу нима бўлди?» деб хабарлашиш учун отда чиқиб, дуч келиб қолади. Дастлаб сон-саноксиз ёвни кўрган ака-ука бир-бирига дўқ қилади. Кейин қиличлашади. Тенгсиз олишувда ҳар иккаласини қилич зарбидан Ғирот сақлайди. Шу ерда ҳар иккаласи ўзини Авазнинг ўғлиман деб бир-бирига танитади ва эртаси Чамбилга бостириб келаётган Эрон кўшинларини йигитлар билан маҳв этадилар. Асар ниҳоясида Гўрўғли-Аваз-Шерали топишади.

«Нурали» туркуми дostonлари деярли бутун жумҳурият ҳудудида маълумлигини эътироф этган ҳолда, дастлаб Қашқадарё-Сурхондарё вилоятида юзага келганлиги масаласига тўхталишни зарур деб биламиз.

Сўнгги хулоса шуки, «Нурали» дostonлари сюжети қаҳрамоннинг туғилишидан то Чамбил юртининг учинчи ҳукмдори бўлишигача ва тўртинчи ворисга ўрнини бўшатгунга бўлган ҳаётини қирқдан ортик вариантларда акс эттириши билангина эмас, балки Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактабларида «Шерали», «Шералининг банди бўлиши», «Нуралининг Авазни қутқариши», «Жаҳонгир», «Амиркул» сингари дostonлар мавжудлиги билан ҳам ўзига хосликка эгадир.

**“Жанубий Ўзбекистонда тарихий дostonчилик ва дostonлар бадиияти”** деб номланган тўртинчи бобда Қашқадарё-Сурхондарё бахшиларидан ёзиб олинган тарихий дostonлар ғоявий-бадий талқин этилади.

Ўзбек дostonчилигида тарихий туркумликам мансуб дostonлар нисбатан кам бўлиб, унинг намунаси сифатида XVI аср воқеаларини акс эттирган ҳамда Бобур ва Шайбоний ўртасидаги муносабатлар умумий фон бўлганини ҳисобга олиб, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Шайбонийхон» ва Қодир Раҳим ўғлидан ёзиб олинган «Ойчинор» дostonлари қайд этилади. XX асрнинг 90-йилларидан бошланган тадқиқот ва изланишлар натижасида тарихий манбалар, ривоятлар, қиссахонликлар асосида яратилган тарихий

<sup>40</sup> Чори бахши Умиров. Шерали. – Термиз: Сурхон-нашр, 2019.

туркумга кирувчи «Соҳибқироннинг туғилиши»<sup>41</sup>, «Темурнинг туғилиши ва ёшлиги»<sup>42</sup>, «Темур ва Боязид»<sup>43</sup>, «Самарқанд таровати»<sup>44</sup>, «Махтумкули»<sup>45</sup>, «Қодир бахши»<sup>46</sup> дostonлари ёзиб олинди ва маълум ғоявий мақсадга, бадий ва эстетик қимматга эгаллиги аниқланди ва нашр этилди. Биз фақат Амир Темур ҳақидагигина дostonлар ҳақида тўхталдик.

Амир Темур ҳақида дoston мавжудлиги илк бор айтганимизда, таниқли адабиётшунос олим И.Султонов қатор саволлар берган, дostonларда Амир Темур ижобий шахс сифатида талқин этилганини эшитиб қувонган эди<sup>47</sup>. Ўтган қисқа фурсатда Амир Темурнинг туғилиши, соҳибқиронлик фаолияти, ақл-идроки, характер хусусиятини кўрсатувчи қатор дostonлар аниқланди. Рўзи бахши Қултўраевдан «Соҳибқироннинг туғилиши», Чори бахши Умировдан «Темурнинг туғилиши ва болалиги», Қаҳҳор бахши Қодир ўғлидан «Темур ва Боязид» дostonи ёзиб олинди ва «Ўзбек халқ Темурномаси» туркуми юзага келди.

Темур ва темурийлар сулоласига доир шоҳ ва шоир Бобур ҳақидаги «Ойчинор» тарихий дostonи Қодир бахшидан 1966 йилда фольклоршунос А.Қаҳҳоров томонидан ёзиб олинган ва 1985 йил нашр этилган.<sup>48</sup> Биз фикр юритаётган Амир Темур ҳақидаги дostonлар XX асрнинг 90-йилларида маълум бадиҳагўй бахшилар томонидан: а) афсона ва ривоятлар; б) тарихий ёзма манбалар; в) Амир Темур ҳақидаги ёзма бадий асарлар ва қиссалар; г) китобий дostonлар; д) анъанавий дostonлардаги эпик ўринлар, тайёр мисралар, турғун бандлар заминида яратилди.

Ўзбек халқ дostonчилигида Амир Темур ва темурийлар ҳақида тарихий туркумнинг мавжудлиги фольклоршунослигимизда ўрганилиши лозимлиги туфайли қисман фикр билдиришни лозим топдик.

Чори бахшидан ёзиб олинган «Темурнинг туғилиши ва болалиги»<sup>49</sup> дostonи ғоявий мазмуни жиҳатидан Рўзи бахши айтган «Соҳибқироннинг туғилиши» дostonига яқин туради. Бу вариант назмий муқаддимадан сўнг мўғул истилосининг халқимиз бошига ёғдирган кулфатлари, бу жабр-зулмдан худонинг ҳам ғазабга келиши воқеаларини тасвирлашдан бошланади.

Чори бахши варианты мифология, диний афсоналар, ривоятлар заминида яратилган. Темурнинг нурдан пайдо бўлиши, унга ҳамиша илоҳий кучларнинг раҳнамолиги Шарқ халқлари эпосида жуда қадимда пайдо бўлган қарашлар натижасидир. Фикримиз далили сифатида Ҳинд халқининг машҳур

<sup>41</sup> Соҳибқироннинг туғилиши. Айтувчи Рўзи Қултўраев. – Қарши: Насаф, 1993.

<sup>42</sup> Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги. Айтувчи Чори бахши Умиров // Эргашев А. Халқ Темурномаси. – Қарши: Насаф, 2004. – Б.134-248.

<sup>43</sup> Темур ва Боязид. Айтувчи Қаҳҳор бахши Раҳимов. – Туркия., 2019.

<sup>44</sup> Самарқанд таровати // Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида. Айтувчи Қаҳҳор бахши Раҳимов. Қарши ДУ фольклор лабораторияси архиви.

<sup>45</sup> Махтумкули. Айтувчи Қаҳҳор бахши Раҳимов. – Қарши: Фан ва таълим, 2021.

<sup>46</sup> Қодир бахши ҳақида дoston. Айтувчи Қаҳҳор бахши Раҳимов. – Қарши: Насаф, 2019.

<sup>47</sup> Ўзр ФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашининг 1991 йил 23 октябрдаги стенограммаси.

<sup>48</sup> Саримсоқов Б. Халқона сатрларда // Фан ва турмуш, – Т., 1983. – № 5.

<sup>49</sup> Амир Темурнинг туғилиши ва болалиги. // Кўрсатилган манба – Б.144.



эпоси «Маҳобҳорат»ни эслаш кифоя. Бу ўхшашликлар заминини шарқ халқлари орасидаги иқтисодий, маданий, маърифий-руҳий алоқалардан изламоқ лозим.

Рўзи бахши Қултўраев ва Чори бахши варианты жуда ўхшаш.

Бизнингча, икки бахшидан ёзиб олинган дostonда бу каби ўхшашлик асоси қуйидагиларда кўринади:

1. Ҳар икки бахши Шеробод дostonчилик мактабининг вакили. Устозлари Умир бахши Сафаров ҳамда Қодир бахши Раҳимовдир. Буни Чори бахши: «Отам Умир, дўст Қодир устоз бўлди, шулар руҳи қўллаб айтдим Темурдан» - деб эътироф этади.

2. Ҳар икки бахши фольклоршунос Абдимўмин Қаҳҳоров 1971 йилда магнитофон тасмасига ёзиб олган «Темурнома» асарини тинглаган ва шундаги воқеаларни асос қилиб олган.

3. Ҳар иккиси ижодкор бахши дostonлардаги анъанавий эпик ўринлардан Амир Темур ҳақидаги дostonда унумли ва ўринли фойдалана олган.

4. Ҳар икки бахши халқ ўртасида кенг тарқалган Амир Темур, Бобур, Навоий, Махтумқули ҳақидаги, кароматли кишилар тўғрисидаги ривоят ва афсоналардан яхши хабардор.

5. «Соҳибқироннинг туғилиши» ва «Темурнинг туғилиши ва болалиги» дostonининг яратилишида «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Авазнинг туғилиши», «Нуралининг туғилиши» сингари йўлланма вазифасини ўтайдиган анъанавий дostonлар мавжуд бўлиб, улардаги эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши, камолотида илоҳий кучларнинг раҳнамолиги каби мотивлардан фойдаланган.

6. Ҳар икки вариант устозлардан эшитиб ўзлаштирилган бўлмай, юқоридаги манбалар асосида индивидуал ижодкор томонидан яратилган.

«Темур ва Боязид» дostonидаги воқеалар: Амир Темурнинг тушида пири Баҳовуддин намоён бўлиб, у Гуржистонда қолган мусулмонларни озод қилишга ишора билан бошланади.

Юборилган элчиларга гуржи ҳукмдори Букротнинг: «Мусулмонлар зиндонидан чиқиши, Темурхоннинг боши билан баробар», - деган жавобдан сўнг Темур кўшинлари сафарга отланадилар.

Соҳибқироннинг сотқин навкарларини қайтаришни сўраб юборган элчиларини Боязид уч марта рад этади ва ҳатто уни ҳақоратлатлаган ҳолда урушга таклиф этади. Шу таклид туфайли икки ўртада жанг бўлиб, Боязид кўшинлари мағлуб бўлади. Темур ғалаба билан, аммо хоин Қора Юсуф томонидан ўлдирилган севимли набираси Султон Муҳаммад жасадини олиб, ҳадсиз қайғу-ғамда изига қайтади.

Дostonда Темур, Султон Муҳаммад, ёш Улуғбек, Боязид, Боязиднинг ўғли Шабли, қизи Севинчбону, Сангул образлари ниҳоятда жозибали тарзда берилган. Айниқса, Темур ва у алоҳида меҳр қўйган набираси Султон Муҳаммад образлари жўшқин илҳом, самимий муҳаббат билан тасвирланади.

Амир Темур ҳақидаги дostonларни қиёсий-типологик ўрганиш, бадий қимматини аниқлаш, тарихий ва бадийлик жиҳатидан таҳлил этиш фольклоршунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардандир.

Шу бобнинг биринчи фасли Жанубий Ўзбекистода тарихий дostonлар.

Шу бобнинг иккинчи фаслида Жаубий Ўзбекистон дostonчилик мактаби вакилларининг бадий маҳорати масаласи ҳам ҳанузгача махсус таҳлил объекти бўлмаган. Бу мактабнинг айрим вакилларида ёзиб олинган анъанавий дostonларни яхши билган, шу ҳудудда барҳаёт бахшилар билан учрашган фольклоршунослардан Зарифов Ҳ., Саидов М., Мирзаев М., Муродов М., Саримсоқов А. ва Қаҳҳоров А.лар ўз тадқиқотларида бадий маҳорат масаласида тўхталганлар.<sup>50</sup>

Биз таҳлил объекти сифатида олган дostonларда ҳам умумий дostonлардаги каби бир қанча сюжет линиялари ўзаро боғланиб, яхлит композитсияни вужудга келтиради. Асар воқеаларининг ривожланиб, яхлит композитсияни вужудга келтиради. Асар воқеаларининг ривожланишини, қизиқарлилигига конфликт Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигида аввало икки кўринишда намоён бўлади:

1. Оддий конфликт
2. Мураккаб конфликт
3. Маиший характердаги конфликтлар<sup>51</sup>

Таркибадахшон дostonида оилавий, маиший конфликтни Аҳмад қари юзага келтиради.

Дostonдаги оилавий, ижтимоий, сиёсий конфликтнинг яна бир кўриниши умумўзбек дostonчилигига хос бўлиб, Авазнинг бошқа мамлакатларни ҳам босқинчиларнинг жабр зулмидан қутқизиши, ўша ерда осойишталик ўрнатиши ва шу орқали ўз юрти тинчлигини ҳам мустаҳкамлаши билан боғлиқдир.

Учинчи конфликт эса антрологик ва зоолоторик характерда бўлиб: 1.Аваз ва Башар мастон; 2.Аваз ва Машар жодугар; 3.Аваз ва Аждарҳо; 4.Аваз ва Набот жодугар; 5.Аваз ва девлар; 6.Аваз ва Оқ дев шоҳ ўртасида юз беради.

Бир бахшининг ўзида бир неча бадий тасвирий воситалар мужассам бўлишига қодир, Қора, Чори, Қаҳҳор, Чоршанби бахшилардан ёзиб олинган биз таҳлил қилаётган дostonлардан ҳар бирига кўплаб наъмуналар бор.

Ота-бола сузиб борар булутдай,  
Душманларга чанг солади бургутдай,  
Қўлда қилич ловиллаб ёнган ўтдай,  
Зангар халқи ўзин-ўзи қиради  
Ғириллашиб худди қутирган итдай.

---

50

51

## Умумий хулосалар

1. Поэтик мактаблар ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш, ҳар бир дostonчилик мактабининг тарқалиш доирасини, репертуаридаги ўзига хосликларни, устоз-шогирдчилик муносабатларини тадқиқ этиш ва ҳудуд дostonчилигини, унинг ҳозир оғзаки жараёндаги асосий хусусиятларни кузатиш, республикамиздаги бошқа дostonчилик мактаблари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий таҳлиллаш, анъанага муносабати орқали умумо'збек эпоси тарққиётига қo'шган ҳиссаси аниқланди.

2. Қашқадарё-Сурхондарёда ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, дostonчиликнинг юзага келиши, шаклланиши узoқ ўтмишга бoриб тақалади. Ушбу ҳудуддаги бахшиларни Шеробод, Чирoқчи, Қамай, Бoйсун, Бешқўтон каби беш поэтик мактабга мансуб бўлиб, бу ҳар бир дostonчилик мактабининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, ҳар бирининг умумўзбек дostonчилигидаги ўрнини, ўзаро алоқасини тўғри баҳолаш, анъанага муносабатини белгилашда қимматли маълумотлар берди. Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг умумўзбек дostonчилигига хос хусусиятлари: анъанага муносабатда, матнни соз билан ижро этишда, репертуаридаги бир қисм дostonларда, туркумлар яқинлигида, устоз-шогирд муносабатларида ўз аксини тошган.

3. Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг ўзига хослиги қуйидагиларда кўринади:

а) республикамизнинг ҳеч бир жойида соз ва сўз уйғунлигига Қашқадарё-Сурхондарё воҳаси аҳолиси каби эътибор берилмаган. Бу ҳудудда ҳар бир рухий ҳолат ҳақида мусиқа бор;

б) ҳақиқий бахши-шоирнинг санъаткор сифатида эътироф этилишининг муҳим шартларидан бири ҳам дostonчининг бастакорлик маҳоратидир.

в) бахшилар иқтидори, дostonчилик маҳорати ҳақида афсона ва ривоятлар кенг тарқалган, ҳатто дostonлар ҳам яратилган

г) ушбу ҳудудда ўнга яқин тарихий дostonлар илк бор ёзиб олинди ва баъзилари қисман таҳлил этилди.

д) «Ота дуоси», «Қирқ қасамёд», «Олланазар Олчинбек», «Гулах» номли ахлоқий мавзудаги эпос намуналари мавжуд.

е) «Келиной» туркумининг тўла шакллангани, «Ёзи билан Зебо» дostonининг яхлит сюжет ва композицияга эга ҳолда ёзиб олингани, қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» туркумининг иккинчи қисмини «Барчин бекач» аталган ҳолда янги сюжет йўналиши билан бойитишга ҳаракат қилингани, Гўрўғли силсиласидаги «Авазхон», «Нурали», «Шерали» наслий туркумларининг кенг тарқалгани Қашқадарё-Сурхондарё бахши-шоирларининг фақат ижрочи эмас, балки ижодкор сифатида ҳам ўзбек эпосининг ривожига доимий ҳисса қўшиб келаётганини кўрсатади.

«Алпомиш» туркуми билан боғлиқ «Алп Қўнғиротбек», «Хилсина», «Йўлчи» ёхуд «Худоёр» дostonлар бахши-шоирларнинг эшитган ривоятлари, афсоналари ёхуд ўқиган китоблари асосида эпик ўринлар заминида яратилган сохта дostonлардир.

4. Жанубий Ўзбекистон поэтик мактаблари орасида Шеробод дostonчилик мактаби бахши-шоирлари сўз санъати ва мусиқанинг кўплаб намуналарини асраб-авайлаб бизгача етказиб келганлиги, жуда катта худуд Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятининг асосий қисми, Тожикистон ва Туркменистон жумҳуриятларининг ўзбеклар яшайдиган овул, қишлоқ, туманларда тарқалиши, репертуаридаги ўзига хос дostonларнинг мавжудлиги, бахшичилик анъанасининг ҳозирги кунда ҳам яшовчанлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек эпосида сўниш жараёни кучайган, кўпгина бахшичилик мактаблари сўниб тугаган бир пайтда бу қадимий анъана Шеробод мактабида нисбатан яшовчанлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

а) худуднинг республикамизнинг чекка қисмида жойлашганлиги, кенглиги, аҳолининг катта бир қисми чорвачилик билан шуғулланиши, тарқоқлиги;

б) ижтимоий-маиший турмушнинг бошқа вилоятларга нисбатан секин ривожланиши;

в) ерли халқнинг дostonчиликка бўлган кучли ихлоси уни сақлаб турган асосий омиллардан бир эканлиги;

г) устоз бадиҳагўй бахшилар шогирдлар тайёрлашни бурч деб биладилар ва анъанани давом эттирмасалар эл назаридан қолади;

д) ҳозиргача сақланиб келаётган бахшиларнинг ўзаро ижодий беллашувлари, тўй ё давраларда эл олдида айтишиб, тингловчини оғдириб олиш анъанаси дostonчини ўз устида мунтазам ишлашга, халқ назаридан қолмаслик учун интилишга сабаб бўлмоқда.

5. Жанубий Ўзбекистонда мавжуд Амир Темур ва Темурийлар Яссавий, Алишер Навоий, Маҳтумқули, Қодир бахши ҳақидаги тарихий туркум «Алпомиш» га кирувчи дostonлар, тарихий шахслар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, тарихий манбалар, тарихий далиллар каби манбаларни бахшилар қайта ишлаш орқали дoston сюжети шакллантирган.

6. «Нурали» биографик туркуми дostonлари энг кўп тарқалган бўлиб, улар қаҳрамон ҳаётини акс эттиришга кўра тўрт тур (тип)ни ташкил этиб, қирқдан зиёд вариантларни ўзида бирлаштиради.

7. Қашқадарё-Сурхондарё бахшилари репертуаридаги дostonлар бадииятида умумўзбек дostonчилиги бадииятига хос хусусиятлар кўп, аммо конфликтнинг юзага келиши ва ечими, тарқоқ сюжетларни яхлитлаштириш, эпик қаҳрамон портрети тасвирлаш, бадиий тасвирий воситаларни эпик ўринлар ва такрорларни қўллашда ўзига хосликлар ҳам анчагина.

8. «Авазхон» наслий туркумидаги ҳар бир кичик туркум ўзича мустақил бўлиб, маълум бир ғоявий ниятни ифодалаш, бадиийлик даражаси нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ қилишни тақозо қилади. Уларнинг барчаси «Гўрўғли» силсиласига Аваз орқали боғланади. «Нурали» туркум дostonларда Чамбил-Гўрўғли-Ғирот-Аваз-Нурали ўзаро жипсликда, мустаҳкам алоқада, ҳар бир вазифани бажаришда, курашда давомийликда кўринса, «Шерали», «Амирқул», «Жаҳонгир» дostonларида ёш қаҳрамоннинг вояга етишувида Чамбил, Ғирот ва Гўрўғлининг яхлит

иштироки йўқ ёхуд жуда кам даражада. Айтайлик, Шерали Чамбилга Аваз орқали эпик юртга, эпик қаҳрамон Гўрўғлига боғланади, аммо Ғирот унга кўмакдош эмас.

9. Республикамиздаги поэтик мактаблар орасида эпик алоқалар мунтазам йўлга қўйилган. Масалан, «Кунтуғмиш» «Маликаи айёр», «Рустамхон» сингари дostonлар Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуарига Самарқанд бахшиларидан ўтган. Айни вақтда «Авазхон» наслий туркуми Гўрўғли силсиласидаги дostonларнинг сўнгги бўғини бўлиб, ўзаро ижодий алоқалар натижасида Самарқанд дostonчилиқ мактаблари вакиллари репертуаридан яхлитланган тарзда ўрин олган.

10. Жанубий Ўзбекистон дostonчилиқ мактаблари вакиллари ижтимоий ҳаёт қонуниятларидан келиб чиқиб, реалликни сақлашга интилганларидан идеал Гўрўғли сулоласининг давомийлигини кўрсатиш, ҳамиша раҳнамо эпик қаҳрамонга эҳтиёжлари натижасида «Нурали», «Шерали», «Амиркул», «Жаҳонгир» туркумларини яратганлар. Сўниш жараёнининг бошланиши бешинчи авлод қаҳрамонларига доир асарлар яратишга имкон бермаган.

11. Қашқадарё-Сурхондарёда дostonчилиқ анъаналари ҳозир нисбатан сақланиб турган бўлса-да, у сўниш жараёнини бошидан кечирмоқдаки, бу қуйидагиларда кўринади:

а) ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар. Радио, телевидение, кинонинг юзага келиши ва кенг тарқалиши бахшичилиқ санъатига қизиқишни сўндирди.

б) ижтимоий турмуш тарзининг ўзгариши билан устоз бахшиларнинг шогирд тайёрлаш анъанаси инкирозга юз тутди.

в) анъанани сақлаб қолган бахшидан дostonни тўлиқ эшитишга қизиқувчи тингловчилар гуруҳлари камайиб кетди;

г) қўлига дўмбира ушлаган турли савия ва дунёқараш, ёш ва касбдаги ҳаваскор бахшилар устозидан дуо олиб даврага кириш анъанасини унутишди.

д) дostonлар мазмунини, бахшиларнинг сўз ва создаги маҳоратини яхши тушунган, тушунадиган тингловчиларнинг камайиб кетгани ҳар бир матнни дoston деб англашга, қуйловчини бахши деб аташга олиб келмоқда.

12. Ҳозирги барҳаёт бахшилар саводхон бўлганлигидан бошқа нашр этилган асарларини ўқиб-ўзлаштириб, турли анжуман, кўрик-танловларда эшитган матнлар билан ҳам ўз репертуарини бойитмоқда.

13. Бугунги кунда маълум поэтик мактабларга хос анъаналар аралашиб кетди. Бу ҳолни ижро усулида ҳам кўриш мумкин.

14. Бадиҳагўй бахшилар Жанубий Ўзбекистонда ҳам саноклигина қолди ва уларнинг асосий қисми филолог мутахассис бўлганликларидан оғзаки ижодга ёзма адабиётга хос шеър тузилишларини қўллаши, тасвир усулларидан фойдаланиши ҳам эпик анъаналарнинг ўзгаришига олиб келмоқда.

15. Ҳозирги барҳаёт бахшилар анъанавий эпик билим асосида эртак ёхуд ривоятлардан дoston яратишга уриниши натижасида бадий заиф сохта асарлар ҳам юзага келмоқда.

16. Ҳозир бахшичиликда дostonлар матнини тўла ижро этиш эмас, парчалар айтиш билан кифояланиш, кўпроқ термалар куйлаш етакчилик қилмоқда. Бу ҳол дostonни тўлиқ тинглашга вақт тополмагандан рўй бераётирю

17. Жанубий Ўзбекистонда ҳам бахшичилик санъатининг сўниш жараёнини секинлатишда Республикамиз Президенти ва ҳукуматимизнинг бахшичилик санъатини ривожлантириш соҳасидаги қатор Қарорларда белгиланган тадбирларни изчил бажариб бориш муҳим аҳамият касб этади. Давлат миқёсидаги бахшиларга бўлган ва бўлаётган бу раҳнамоликлар сўнаётган бахшичилик санъатини сақлашда хушёр тортишга ундаб ривожлантиришга, янги ўзгаришларга учраган тақдирда ҳам, узоқ асрлик анъаналарга суянган ҳолда дostonчилик яна кўп йиллар давом этишига ишонамиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019 FIL.46.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА  
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭРГАШЕВ АБДИОЛИМ**

**РОЛЬ КАШКАДАРЬИНСКО-СУРХАНДАРЬИНСКИХ  
ДАСТАНОВ В РАЗВИТИИ ОБЩЕУЗБЕКСКОГО ЭПОСА**

**10.01.08 – Фольклористика**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора наук (Дсс) по филологическим наукам**

**Ташкент - 2021**

**Тема докторской (ДСс) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.ДСс / Фил111**

Докторская диссертация выполнена в Каршинском государственном университете

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице Научного совета [www.toshgiv.uz](http://www.toshgiv.uz) и на Информационно-образовательном портале “ЗиёНет” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:** **Жураев Маматкул**  
доктор филологических наук, академик

**Официальные оппоненты:** **Жуманазаров Умрзок**  
доктор филологических наук, профессор

**Эшанкулов Жаппор Салиевич**  
доктор филологических наук, профессор

**Ярматов Исамиддин Тургунович**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный университет  
Узбекского языка и литературы  
им. Алишера Навои

Защита диссертации состоится “\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019 FIL.46.02 по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора. (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабз, дом 5. Тел. (+99871)233 36 50 Факс. (+99871)233 71 44. e-mail: [uztaf@academy.uz](mailto:uztaf@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (регистрационный номер \_\_\_\_\_) Адрес: 100100, город Ташкент, улица Зиеллар, 13. Тел: (+99871)262 74 58

Автореферат диссертации разослан “\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 г.

(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 г.)

**Б. Тухлиев**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, профессор

**А. Худайкулова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, кандидат  
филологических наук

**Ш. Турдимов,**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученой степени доктора наук, доктор  
филологических наук



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))**

